ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

УМИД АМИНОВ
РУСТАМ ШАРИПОВ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси “5Ф249123. Коррупцияга қарши курашиш” магистратура йўналиши бўйича

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент 2022

Умид Аминов, Рустам Шарипов. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси (ўқув қўлланма). – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2022 йил. - 137 бет.

Мазкур ўқув қўлланма бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган коррупция, унга қарши олиб борилаётган курашнинг халқаро, минтақавий ва миллий-ҳуқуқий асослари, БМТ ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши курашишга доир қабул қилинган ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган. Шу билан бирга, коррупцияга қарши кураш борасида иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам атрофлича таҳлил қилинган.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академиясида “Коррупцияга қарши курашиш” 5Ф249123 шифри бўйича таҳсил оладиган магистратрантлар учун мўлжалланган.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:
юридик фанлар доктори, профессор
_____.

ТАҚРИЗЧИЛАР:
_____
_____

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси
Ўқув-услубий кенгашининг 2022 йил ___ октябрдаги мажлиси қарорига
биноан нашрга тавсия этилган (___-сон баённома).

© У.Аминов, Р.Шарипов.
© Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси.

Кириш

Коррупция ҳар қандай давлатнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш билан бирга, халқаро муносабатларга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказиши ҳеч кимга сир эмас. Этимологик жиҳатдан “коррупция” атамаси “бузиш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган лотинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан. Юридик энциклопедияда бу ҳодисага шундай таъриф берилади: “Коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият”.

“Юридик атамалар қомусий луғати”да коррупция тушунчасига “Давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши”, деб таъриф берилади.

Яна бошқа адабиётларда эътироф этилишича, “коррупция” атамаси “сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият бўлиб, мансабдор шахслар ўзларига берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойиш мақсадида фойдаланишидан иборат”, деб тавсифланган.

1979 йил 17 декабрда қабул қилинган “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодексида”: “Коррупция тушунчаси миллий ҳуқуқда белгиланиши лозим”, деб қайд этилган ҳамда мазкур ҳодисанинг қуйидаги намунавий таърифи келтирилади: “...мансабдор шахс ўз мансаб ваколатлари соҳасида ҳар қандай шаклдаги ҳақ эвазига мазкур ҳақни берувчининг манфаатларида, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги”.

БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР), ЕХҲТ, Европа Кенгаши, ЕИ, ФАТФ каби халқаро ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши кураш соҳасидаги бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Булар ичида БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган), БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган), Европа Кенгашининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни тозалаш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1990 йил 8 ноябрь), Европа Кенгашининг коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь), Европа Кенгашининг

коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 9 сентябрь), Терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ операцияларни аниқлаш бўйича молиявий ташкилотлар учун FATF тавсиялари (2002 йил), Иш юзасидан халқаро операцияларни амалга оширишда чет эллик давлат мансабдор шахси томонидан пора беришга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) томонидан қабул қилинган 1997 йил 21 ноябрь), Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Америкааро конвенцияси (Каракас, 1996 йил 29 март), Адлия ва хавфсизлик органлари ходимларига нисбатан коррупцияга қарши кураш ва уларнинг виждонли ва пок бўлишини таъминлаш чоралари бўйича умумий тавсиялар (Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича Глобал форум, Вашингтон, 1999 йил 24-26 февраль), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш борасидаги Стамбул ҳаракат дастури (2008 йил) алоҳида аҳамият касб этади.

Ўтган давр мобайнида коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт шаклланишига аҳамият берилди. Энг аввало, мамлакатимизда БМТ томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш резолюцияси (1995 й.), Давлат мансабдор шахсларининг халқаро ахлоқ кодекси (1996 й.), Халқаро тижорат ташкилотларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш ҳақидаги декларация (1997 й.), Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш конвенцияси (2000 й.) ва бошқа халқаро ҳужжатларнинг қабул қилингани мазкур иллатга қарши курашда муҳим омил вазифасини ўтамоқда.

БМТнинг халқаро миқёсда коррупцияга қарши кураш бўйича Маълумотида шундай дейилган: “Коррупция – бу шахсий мақсадларда наф кўриш учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш”. Коррупция тушунчасига берилган шунга ўхшаш таърифга Жаҳон банкининг ҳозирги дунёда давлатнинг ролига бағишланган ҳисоботида ҳам дуч келиш мумкин: коррупция – бу “шахсий наф кўриш йўлида давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш”.

Ўзбекистонда ҳам коррупцияга қарши курашиш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конвенциясига, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режасига қўшилган.

Мониторинг натижаларига кўра, Ўзбекистонда коррупцияга қарши олиб борилаётган ислоҳотлар ижобий баҳоланнаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

1-мавзу.
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

Коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят. Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади.

Аммо, умуман олганда, давлат амалдорларигина эмас, балки бошқа соҳа вакиллари ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши мумкин;

пора пул билан эмас, балки бошқа шаклда берилиши мумкин;

коррупцияга доир муносабатларнинг ташаббусчилари баъзан давлат амалдорлари эмас, балки тадбиркорлар ҳисобланади.

Коррупциянинг нафақат миллий жиноятчилик, балки трансмиллий жиноятчилик эканлиги тўғрисидаги фикрлар ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб айтила бошланган эди.

1998-1999 йилларда Европа комиссиясидаги бир қатор шахсларнинг ўз мансаб мавқеини суиистеъмол қилиши, молиявий найрангларда айбланиши халқаро жамоатчиликни янада ҳушёрроқ бўлишга ундади. 1990-йилларда коррупциявий қилмишлар халқаро спорт ташкилотлари фаолиятида ҳам юз берганидан кўпчилик хабардор.

Кейинги ўн йилликда қатор халқаро ташкилотлар коррупцияга қарши курашда ташаббускорлик кўрсатиб, халқаро ҳамжамиятни бу иллатнинг олдини олишда ҳамкорликка даъват этиб келмоқда.

Коррупцияга қарши курашга ўз фаолиятида алоҳида эътибор бериб келаётган қуйидаги халқаро ташкилотларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти (ОЭСР) ва бир қатор бошқа халқаро ташкилотлар.

Коррупцияга қарши курашда халқаро миқёсда қабул қилинган ва давлат хизмати сифатини кўтариш ва давлат хизматчиларининг фуқаролар олдидаги масъулиятини ошириш ва ахлоқий маданиятини ривожлантиришга қаратилган халқаро ҳужжатларга қўшилиш, уларга амал қилиш ҳар қандай давлат учун муҳим аҳамиятга эга.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коррупциянинг мамлакатлар миллий тараққиёти ва барқарорлигига жиддий хавф солиши мумкинлигини ҳисобга олиб, унинг нафақат миллий, балки халқаро ҳамжамиятни тобора хавотирга солиб бораётган халқаро иллат деб эътироф этувчи қатор ҳужжатларни қабул қилган. БМТ доирасида Глобал коррупцияга қарши кураш дастури эълон қилинган. Ушбу дастур миллий коррупцияга қарши кураш дастурларини

амалга оширишга ёрдам бериш ва мамлакатларда коррупция таваккалчилигини тугатиш, давлат хизматчиларида сотилмаслик психологиясини шакллантириш, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган. Дастурда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар сотиб олишда ва халқаро иқтисодий битимларда очиқлик ва ҳисобдорлик бўлишига катта эътибор берилган.

БМТнинг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:

1) "Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодекси" (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган);

2) Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган);

3) Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган);

4) БМТнинг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган);

5) Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган);

6) БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган);

7) БМТ Форумининг офшорлар бўйича Коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март);

8) Коррупцияга қарши кураш чоралари. Пулни тозалашга қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил судлов: XXI аср чорловига жавоблар тўғрисидаги Вена декларациясини амалга ошириш ҳаракат Режаси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил 15 апрелда қабул қилинган)

9) БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган).

БМТнинг 1996 йилдаги «Коррупцияга қарши кураш» резолюциясида давлатларни коррупциянинг халқаро алоқаларга боғлиқ бўлган жиҳатларига, айниқса, корпоратив ташкилотларнинг халқаро иқтисодий фаолиятни амалга оширишда рўй берадиган ноқонуний битимларни жиддий ўрганиб чиқишга чақирган.

Бу ҳақида 1996 йилда қабул қилинган БМТнинг «Халқаро тижорат операцияларида порахўрлик ва коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Декларацияси ҳам мавжуд. Ушбу Декларацияда аъзо давлатларнинг халқаро

ва минтақавий ташкилотлар доирасида коррупциянинг барча шаклларига қарши курашишда аниқ ва самарали чораларини кўриши, амалдаги қонунларнинг самарали ижро этилиши, хорижий давлат мансабдор шахсларининг порахўрлиги учун жиноий жавобгарликни белгилашда самарали усулларни қўллаш, порахўрликнинг асосий белгилари, мансабдор шахсларнинг таъмагирлиги, халқаро тижорат операцияларида мансабдор шахсларнинг ўз вазифасидан четга чиқиши, коррупцияга қарши курашда давлатлар ҳамкорлигидан максимал даражада ҳамкорлик қилиш, ҳамкорлик қилиш шакллари, маълумотларни алмашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган .

БМТ доирасида қабул қилинган 1996 йилдаги резолюцияси билан тасдиқланган «Давлат мансабдор шахслари ахлоқининг халқаро кодекси»да давлат мансбдор шахслари фаолиятининг принциплари белгилаб берилган эди. Ушбу кодексда давлат мансабдор шахсларининг вазифалари, давлатлар манфаатлари коллизияси, активлар ҳақида маълумот алмашиш, совғалар ва диққатни жалб қилувчи бошқа белгилар, маҳфий маълумотлар каби масалалар келтирилган.

БМТнинг юқорида қайд этилган ҳужжатларида коррупциянинг халқаро характери ва унга қарши курашнинг воситалари ва методлари ҳакида тавсиявий қоидалар ўз аксини топган. БМТ томонидан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш» Конвенциясида коррупциянинг трансмиллий характердаги жиноят эканлиги ва унга қарши курашда Конвенцияга қўшилган мамлакатларнинг мажбуриятлари ва коррупцияга қарши курашнинг кенг қамровли чоралари ўз аксини топган.

БМТ томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши курашга йўналтирилган ҳужжатлар ичида 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш Конвенцияси” муҳим ўрин тутади. Мазкур ҳужжатни коррупцияга қарши курашга қаратилган халқаро ҳуқуқнинг универсал кодификациялашган акти сифатида баҳолаш мумкин.

Ушбу Конвенция 8 боб ва 71 моддадан иборат. Конвенцияда коррупцияга миллий тараққиёт ва халқаро муносабатлар барқарорлигига тахдид ва демократик институтлар ва қадриятларни қўпорувчи иллат сифатида баҳо берилган.

Конвенциянинг “Коррупцияга қарши кураш чоралари” деб номланган бобида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашдаги сиёсат ва амалиёт масалаларида давлатларнинг ёндошуви, коррупция вужудга келиши мумкин бўлган соҳаларда давлат кўриши лозим бўлган чоралар, бунда давлат органларининг вазифалари ва улар фаолиятининг ташкил этилиши туғрисидаги нормалар мавжуд. Бундан ташқари ушбу конвенцияда коррупция

билан боғлиқ халқаро назария ва амалиётда мавжуд таянч тушунчалар, конвенциянинг қўлланиш соҳаси, қайси муносабатларга нисбатан тадбиқ этилиши, суверенитет ҳимояси, коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар ва бу борада органларнинг фаолияти, криминализация ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлиги, оммавий мансабдор шахсларнинг сотиб олиниши ва уларга нисбатан жавобгарлик, жиноий процессуал жараёнларда иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, етказилган зарарни қоплаш, миллий органлар ўртасида коррупцияга қарши курашишда ҳамкорлиги, банк сири, корруцияга қарши курашда хорижий давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш шакллари ва тартиби, активларни қайтариш бўйича чоралар, маълумот алмашиш ва техник ёрдам кўрсатиш, коррупцияга қарши курашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вазифалари каби масалалар тартибга солинган.

Коррупция - ҳуқуқий асосларнинг замонавий талабларига мувофиқ бўла олмаслиги, айрим мансабдор шахсларнинг сиёсий ёки ахлоқий томондан носоғломлиги натижаси. Замонавий шароитларда коррупция жиноятчилиги аста-секин уюшган жиноятчиликнинг иқтисодий, сиёсий, тадбиркорлик, пул-товар муносабатларининг оммавий, миллий ва ҳатто минтақалараро хусусиятларига айланиши билан характерланади.

Коррупция жиноятчиликларига қарши курашнинг ташкил этилишида халқаро ташкилотлар вазифаларининг ташкил этилганлиги ва уларнинг иш фаолиятларининг ҳам аҳамияти катта бўлиб ҳисобланади. Бундай ташкилотларнинг фаолиятларида доимий тарзда жиноятчиликнинг хавфли тус олган ва кенг доирада хавфли хусусиятларни вужудга келишига қарши кураш масалаларини муҳокама қилиниши жаҳон миқёсида аҳамият касб этиши билан характерланади. Жиноятчилик масалалари билан БМТнинг Бош котиби ҳам бевосита шуғулланади. У БМТнинг Бош Ассамблеяси сессияларида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш чоралари тўғрисида маърузалар қилади.

БМТ қошида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар билан муносабатда бўлиш масалалари бўйича бир қатор илмий-тадқиқот институтлари тузилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

БМТнинг Римдаги ижтимоий ҳимоя илмий-тадқиқот Институти (ЮНСДРИ);

БМТнинг Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари учун Токиодаги жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар билан муносабатда бўлиш бўйича Институти (ЮНАФЕИ);

БМТнинг Лотин Америкаси мамлакатлари учун жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар билан муносабатда бўлиш бўйича Институти (ЮНЛАИ);

БМТнинг Милан ва Хелсинкидаги Европанинг маркази ва шимолида жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича Институти (ХЕУНИ);

БМТ қошидаги Қоҳира ижтимоий ва криминологик тадқиқотлар Маркази.

Бу институт ва марказлар жиноятчиликка қарши курашнинг самарали чораларини ишлаб чиқишда ва ўз фаолиятларини халқаро даражада мувофиқлаштиришда муҳим роль ўйнайдилар.

Коррупция келиб чиқишининг бир қатор сабаб ва омиллари ҳақида фикрлар билдирилган. Жумладан, бу жараён иқтисодий инқирозни яна ҳам чуқурлаштиради, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги зиддиятни янада кучайтиради, аҳолининг яшаш шароитини оғирлаштириб. жиноятчиликни, шу жумладан уюшган жиноий тузилмалар фаолиятини таъминловчи салбий ҳодиса ва жараёнларни келтириб чиқаради.

Жамиятдаги, айниқса иқтисодий-ижтимоий соҳада вужудга келган инқироз ва унинг сабаблари «қайта қуриш» деб номланган даврда қуйидаги омиллар таъсирида янада кучайди ва чуқурлашди:

-ислоҳотларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, айниқса иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда юзага келган вазиятни чуқур таҳлил қилмасдан туриб бошлаш;

-ислоҳотларни амалга оширишда ижтимоий ҳаётда, айниқса иқтисод, сиёсат соҳаларида юзага келган вазиятни ҳисобга олмаслик; жамиятни бошқаришга демократия ва ошкоралик принципларини татбиқ этишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар;

-ислоҳотларни амалга оширишда аҳолининг 70 йил давомида шаклланган дунёқараши, ижтимоий психологиясини ҳисобга олмаслик;

-ислоҳотларни амалга оширишда жойлардаги маҳаллий халқнинг миллий урф-одатини, анъаналарини, ҳаёт тарзини ҳисобга олмаслик;

-кооператив ва якка тартибда меҳнат билан шуғулланишни тартибга соладиган қонунларни ишлаб чиқишда, қабул қилишда ҳамда ижросини таъминлашда йўл қўйилган хато ва камчиликлар;

-жамиятни, айниқса иқтисодни бошқаришда, ислоҳотларни амалга оширишда тоталитар давлат ролининг сусайиб бориши;

-аҳолининг ҳаёт тарзини, турмуш даражасини, яшаш шароитини ҳисобга олмаган ҳолда иложи борича кўпроқ фойда олиш мақсадида, иқтисодиётнинг ўзини ўзи эркин тартибга солиши ғояларини амалга ошириш;

-ислоҳотларни, айниқса иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда давлат ва жамоатчилик назоратининг йўқлиги; -демократия, ошкораликни жамият ҳаётига татбиқ этишда йўл қўйилган хатолар

натижасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг жамоатчилик, айрим манфаатдор гуруҳлар томонидан қаттиқ танқид остига олиниши оқибатида уларнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятининг пасайиши.

БМТ асосий органларининг коррупцияга қарши фаолияти. БМТ Бош Ассамблеяси бир неча бор коррупция, ноқонуний олинган активларни ўтказишга қарши кураш ва бундай активларни қайтариш тўғрисида ҳужжатларни қабул қилди.

1. ЭКОСОС. Бир томондан ЭКОСОС халқаро ҳужжатларни қабул қилувчи орган ҳисобланса (масалан, "Жиноятларнинг олдини олиш бўйича раҳбарий принциплар", "Жиноятларнинг олдини олиш, жиноят судлов ва унинг ривожи соҳасида БМТ норма ва стандартлари"), бошқа томондан ЭКОСОС раҳномолигида БМТнинг кўплаб дастур ва лойиҳалари амалга оширилади ("Жиноятларнинг олдини олиш ва жиноят судлов соҳасида БМТ дастури").

2. Жиноятларнинг олдини олиш ва жиноят судлов соҳасида БМТ дастури. Ушбу дастурга мувофиқ, раҳбарий орган сифатида Жиноятларнинг олдини олиш ва жиноий судлов Комиссияси ташкил қилинган.

Дастур доирасида Жиноятчилик ва судлов масалалари бўйича Минтақавий институт (ЮНИКРИ) фаолият юритади. Бу институт турли давлатларнинг қонун лойиҳаларини таҳлил қилади. Жумладан, ЮНИКРИ ташаббуси билан 2005 йил ноябрда Гвинея жиноят ва жиноят-процессуал кодексига универсал конвенциялар қоидаларидан келиб чиқиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, институт Бенинга ёрдам кўрсатиб, унинг вакили "Қонунчилик ва кодификация бўйича Миллий комиссия" ишида (2006 йил 6-10 февраль) яъни, Парламентда коррупцияга қарши кураш бўйича қонун лойиҳаси муҳокамасида қатнашди.

3. БМТнинг наркотик ва жиноятчилик бўйича Бошқармаси (UNODC) – халқаро терроризм, одам савдоси, уюшган жиноятчилик, қурол, наркотик воситалари ноқонуний айланмаси билан курашувчи БМТ бошқармаси.

Бошқарма ўз фаолиятини 150 давлат вакилларини ўз ичига олувчи 21 минтақавий бўлинмалар ёрдамида олиб боради. UNODCнинг штаб-квартираси Венада жойлашган. Бошқармада 1500 дан ортиқ ходим фаолият юритади.

UNODC ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда олиб боради:

- уюшган жиноятчилик ва ноқонуний савдо. UNODC тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи жиноятлар, яъни одам савдоси, наркотик контрабандаси, ноқонуний товар савдоси каби жиноятларга қарши курашда давлатларга ёрдам кўрсатади ва давлатлар ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

- коррупция. UNODC давлатлар, ташкилотлар билан коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашишда ҳамкорлик қилади;

- жиноятчиликни тугатиш ва жиноий қонунчиликни ислоҳ қилиш. UNODC давлатларнинг жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, жиноят процессида иштирокчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жавобгарлик адолатли тайинланиши бўйича таклиф ва тавсиялар беради.

- наркотик воситалар айланмасига қарши курашиш. UNODC халқаро даражада наркотик воситалар айланмасига қарши курашади, жабрланганларга ёрдам кўрсатишга раҳбарлик қилади, ёшларни наркотик воситаларидан фойдаланмаслиги бўйича чора-тадбирларни кўради;

- терроризмга қарши курашиш. UNODC терроризмга қарши курашда давлатларга ёрдам кўрсатади, ҳамкорлик қилади, давлатлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

4. БМТнинг жиноятларни олдини олиш ва жиноий судлов бўйича Конгресслари. Конгресслар жуда катта халқаро форум ҳисобланиб, тажриба алмашиш йўли билан миллий сиёсатга, кенг жамоатчиликка таъсир кўрсатади. Конгресс халқаро ва минтақавий даражада дастурлар бўйича тавсиялар тайёрлайди, бу эса халқаро ҳуқуқ ривожида катта роль ўйнайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро-ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, унинг бошқармалари ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Жаҳон банкини дунёда мамлакатларнинг коррупциялашишига қарши йирик молиявий ташкилот сифатида баҳолаш мумкин. Мамлакатлар билан алоқаларида уларнинг коррупциялашмаганлигига жиддий эътибор беради. Кредит олиш учун унга мурожаат этгая давлатлар коррупцияга қарши муваффақиятли кураш олиб бораётган бўлсалар ва олинган кредит пулларини мақсадга мувофиқ равишда ишлатиш, мансабдор шахсларнинг ўз манфаатлари йўлида ишлатмаслигига кафолат бера олсалар ва бунга банкни ишонтира олсаларгина кредит олишга эришадилар. Шу билан бирга, Жаҳон банки бугунги кунда ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматларининг коррупцияга қарши кураш дастурларини ишлаб чиқишига ва бу борада олиб бораётган сиёсатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бермоқда. Ҳозиргача кўпчилик ривожланаётган давлатлар, хусусан, собиқ социалистик тузум остида бўлган мамлакатларда Жаҳон банки кўмаги остида коррупцияга қарши кураш дастурлари амалга оширилмокда.

Жаҳон банки раҳбарияти томонидан иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатлар учун комплекс тараққиёт Концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсадларидан бири сифатида коррупцияга қарши шафқатсиз кураш белгиланган эди.

Комплекс тараққиёт концепциясининг мақсадлари қуйидагилардир:

а) мансабдор шахслари тегишли тайёргарликка эга ва етарли даражада иш ҳақи олувчи, яхши ташкил этилган ва тузилган ҳукумат;

б) аниқ қонунчилик ва ҳамма учун тушунарли бўлган тартибга солувчи тизим;

в) коррупцияга қарши шафқатсиз кураш;

г) самарали ҳуқуқий ва суд тизими;

д) тўғри ташкил этилган ва тартибга солиб туриладиган молиявий тизим;

е) умуммақбул ижтимоий таъминот тизими (Жеймс Вульфенсон «Трансформация» Июнь 1999, №3).

FATF ташкилотининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари :

1) FATFнинг қирқта тавсияси (2003 йил 20 июнь таҳрири);

2) FATFнинг қирқта тавсиясига тушунтириш (2003 йил);

3) FATFнинг пулни тозалашга қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликка тўсиқ бўлаётган йигирма бешта асосий мезони (2003 йил);

4) Терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ операцияларни аниқлаш бўйича молиявий ташкилотлар учун FATF тавсиялари (2002 йил);

5) Оммавий қирғин қуролларни тарқалишини молиялаштириш, терроризмни молиялаштириш, пулларни легаллаштиришга оид халқаро стандартлар (2012).

Бошқа халқаро ташкилотларнинг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:

1) Иш юзасидан халқаро операцияларни амалга оширишда чет эллик давлат мансабдор шахси томонидан пора беришга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) томонидан қабул қилинган 1997 йил 21 ноябрь);

2) Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Америкааро конвенцияси (Каракас, 1996 йил 29 март);

3) Адлия ва хавфсизлик органлари ходимларига нисбатан коррупцияга қарши кураш ва уларнинг виждонли ва пок бўлишини таъминлаш чоралари бўйича умумий тавсиялар (Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича Глобал форум, Вашингтон, 1999 йил 24-26 февраль).

Коррупцияга қарши курашда ноҳукумат халқаро ташкилотлар ичида Трансперенси Интернейшнл (Transparency International) бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. У 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, штаб-квартираси Берлинда жойлашган. Ташкилотнинг асосчиси ва раиси собиқ Жаҳон банки раҳбариятида фаолият кўрсатган Петер Айген ҳисобланади.

Петер Айгеннинг илгари бундай йирик молиявий ташкилотда фаолият юритгани Трансперенси Интернейшнлнинг дунёдаги мамлакатларнинг

коррупциялашганлик даражасини аниқлашда ва коррупция феноменига қарши чиқишида ўзига хос туртки бўлган, дейиш мумкин.

Transparency International ташкилоти кўпчилик тадқиқотчилар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларининг фикрича, коррупция соҳасида анча обрўли эксперт ташкилот саналади. Ташкилот бир неча йилдирки, дунёдаги мамлакатларнинг коррупциялашганлигини мониторинг қилиб боради. Мониторинг натижаларига кўра, Transparency International ҳар йили коррупция индекси деб номланган мамлакатларнинг коррупциялашганлиги даражасини акс эттирувчи ўзига хос рейтингни нашр этади. Бундан ташқари, Transparency International коррупцияга қарши кураш жабҳасидаги илгор тажрибаларни кенг ёйиш билан ҳам шугулланади. Кўпчилик экспертларнинг тан олишича, ушбу ташкилот томонидан эълон қилинаётган коррупция индекси у ёки бу жамиятнинг қанчалик «ифлосланганлигини» акс эттиради. Ташкилот бирор бир мамлакатнинг коррупция индексини аниқлаш учун, аввало мамлакатдаги коррупциялашганлик ҳақида кенг ва ишончли маълумотлар тўплайди. Маълумотлар бир неча манбалардан олингандан сўнг таҳлил этилади.

2-мавзу
БМТНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ (UNCAC) МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятнинг энг муҳим ютуғи БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (UNCAC) бўлиб, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ECOSOS), Европа Кенгаши ва бошқа минтақавий органларнинг аввалги ҳаракатларига асосланади. Ушбу Конвенция Бош Ассамблеянинг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4 резолюцияси билан қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатни ратификация қилган: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва

ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65-71) якуний қоидалар акс этган.

(UNCAC) коррупция, порахўрлик ва уларнинг бошқарув тизимига ва ҳукумат тузилмаларига зарарли таъсирига қарши ягона глобал ва қонуний мажбурий бўлган жавобдир ва ушбу муаммони ҳал этишга комплекс ёндошиш режасини акс эттиради. (UNCAC) қабул қилинишидан олдин саъй-ҳаракатлар фақат порахўрлик ва коррупцияни криминаллаштиришга қаратилган, шу билан бирга (UNCAC) коррупцияга комплекс ёндошади ва бешта асосий чора-тадбирларга эътибор қаратади:

(1) Коррупциянинг олдини олиш чоралари (II боб);

(2) Жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш (III боб);

(3) Халқаро ҳамкорлик (IV боб);

(4) Активларни тиклаш бўйича чоралар (V боб);

(5) амалга ошириш механизмлари (VII боб).

Дастлабки тўрт таркибий қисмга келсак, иштирокчи-давлатлар Конвенциянинг мажбурий ва ихтиёрий қоидаларини бирлаштириб, уни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган чораларни кўришлари шарт. Конвенцияда кўриб чиқилган кенг кўламли масалаларни ҳисобга олган ҳолда, кўплаб иштирокчи-давлатлар коррупция ва ҳуқуқни қўллашнинг олдини олиш бўйича иккала чора-тадбирларни амалга ошириш учун мавжуд қонунчилик, маъмурий ва институционал базани қайта кўриб чиқишга мажбур бўладилар.

Конвенциянинг мақсадларини бажариш учун иштирокчи давлатлардан самарали амалга оширилишини таъминлаш учун ҳам техник ноу-хаудан, ҳам халқаро ёрдамдан фойдаланиши талаб қилинди.

VII бобда эслатиб ўтилган Конвенцияни амалга ошириш учун Иштирок этувчи давлатлар конференцияси (КОСП) ташкил этилиши керак, унинг асосий вазифаси «иштирокчи давлатларнинг имкониятларини ва улар ўртасидаги ҳамкорликни ушбу Конвенцияда белгиланган мақсадларга эришиш, шунингдек, ушбу Конвенцияни амалга оширишга кўмаклашиш ва йўлларини топиш»ни қидиришдир.

Конвенция кучга киргандан бери Иштирокчи давлатлар конференциясининг олтита сессияси бўлиб ўтди, уларнинг охирги учрашувлари 2015 йил ноябр ойида Санкт-Петербургда (Россия) бўлиб ўтган.

2006 йилда Амман шаҳрида (Иордания) бўлиб ўтган Иштирокчи давлатлар конференциясининг биринчи йиғилишида давлатлар ушбу Конвенсиянинг бажарилишини кўриб чиқиш усулларини кўриб чиқиш учун очиқ ҳукуматлараро экспертлар ишчи гуруҳини тузишга келишиб олдилар.

Иштирокчи давлатлар конференциясининг 2009 йил ноябр ойида Доха шаҳрида (Қатар) бўлиб ўтган учинчи сессиясида Конвенциянинг бажарилишини кўриб чиқиш механизмининг техник вазифалари, мамлакатни кўриб чиқиш бўйича намунавий ҳисобот лойиҳаси, шунингдек иштирок этаётган ҳукумат экспертлари учун қўлланма лойиҳаси тайёрланди.

Бунга қўшимча равишда, UNODC таклиф қилган механизм(лар) нинг самарадорлигини баҳолаш ва иштирокчи-давлатлар конференциясига олинган сабоқлар ва тўпланган тажрибалар ҳақида маълумот бериш мақсадида Конвенциянинг бажарилишини кўриб чиқиш учун синов усулларини синаб кўриш имкониятини бериш учун чекланган ихтиёрий пилот дастурларни ишлаб чиқилган.

Доҳа Конференциясида иштирок этувчи давлатларнинг конференцияси тарихий 3/1 резолюцияни қабул қилди, унда кўриб чиқиш механизми орқали мамлакатларга Конвенциянинг мақсадларига эришишда ёрдам бериш учун амалга ошириладиган шарҳ механизми яратилди ва ушбу доирага оид батафсил техник топшириқлар қабул қилинди.

Ушбу механизм Конвенциянинг потенциалини максималлаштиришга, мамлакатларга Конвенцияни қай даражада бажарганлигини баҳолаш учун воситаларни тақдим этиб, ўзини ўзи баҳолашнинг ягона назорат рўйхатидан фойдаланиб, юзага келиши мумкин бўлган камчиликларни аниқлаб, миллий даражада UNCACни янада самарали амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқади.

UNODC Конвенциянинг бажарилишини назорат қилувчи орган сифатида иштирокчи-давлатлар Конференциясининг котибияти ва унинг ёрдамчи органлари сифатида ишлайди.

Office сиёсатчилар ва амалиётчилар учун бир қатор техник воситалар ва қўлланмаларни ишлаб чиқди ва бошқа бир қатор коррупцияга қарши нашрларни ишлаб чиқди, шу жумладан:

- БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини амалга ошириш бўйича қонуний қўлланма;
- БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини амалга ошириш бўйича техник кўрсатмалар;
- Прокурор ва терговчилар учун коррупцияга қарши кураш бўйича амалий чоралар бўйича БМТ қўлланмаси;
- ўзаро ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилиш учун ариза;
- Судьяларнинг мустақиллигини ошириш ва суд тизимининг имкониятларини ошириш бўйича қўлланма;

- «Коррупцияга қарши курашда жамоат ёрдамини кучайтириш: коррупцияга қарши идоралар нима учун ва қандай қилиб биргаликда ишлашлари керак» номли амалий қўлланма;

- Давлат харидлари ва давлат молиясини бошқариш бўйича коррупцияга қарши қўлланма;

- Жаҳон банки/ UNODC қўшма лойиҳасининг "StAR" ташаббуси доирасида ‘ришилган ютуқлар тўғрисидаги ҳисоботлар.

Тадқиқотлар ва ҳисоботлар Конвенцияни илғор тажрибани аниқлаш ва халқаро стандартлар бўйича кўрсатмалар бериш билан тўлдиради, шунинг учун сиёсатчилар ва қонун чиқарувчилар ўзларининг коррупцияга қарши ҳуқуқий ва институционал базасини ишлаб чиқишда ёки ўзгартирганда шуни эътиборга олишлари керак. UNODC сўров бўйича мамлакатларга УНССПдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришда ёрдам бериш учун техник ёрдам ва салоҳиятни ошириш дастурларини амалга оширади.

Конвенциянинг бажарилишини кўриб чиқиш механизми яратилгандан сўнг, Марракешда бўлиб ўтган Иштирокчи давлатлар конференциясининг (4) 4-йиғилишида (2011 й.) Алоҳида мамлакатлар томонидан кўриб чиқилган маълумотларга мувофиқ устуворликлар ва стратегиялар аниқланди. Ҳозирги вақтда кўриб чиқиш механизми коррупцияга қарши кураш соҳасида техник ёрдамни тақдим этиш ва баҳолашда ўзаро ҳамкорликнинг асосий воситаси ҳисобланади. Ёрдам тўғридан-тўғри механизм томонидан ёки коррупцияга қарши курашда иштирок етадиган бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда, масалан, Жаҳон банкининг ўғирланган активларни қайтариш бўйича ташаббуси ("Юлдуз ташаббуси"), ИҲРТ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД) томонидан амалга оширилади.) ва ЕХҲТ.

175 дан ортиқ мамлакатларда қонунчилик ва суд амалиётига оид маълумотлар базаси бўлган ТРАСК юридик кутубхонасини яратиш каби муҳим ташаббусни қайд этиш керак. Бу амалиётчилар учун, айниқса халқаро ҳамкорлик нуқтаи назаридан, хусусан активларни қайтариш соҳасида фойдалидир.

Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга бир нечта билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилган.

Жумладан, Қонуннинг 1-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенция 6-моддасининг 3-банди бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб-чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи – давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланганлиги билдирилган.

Бу қоида Конвенциянинг 6-моддаси 3-бандидаги ҳар бир иштирокчи Давлат БМТнинг Бош котибига коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқа иштирокчи Давлатларга ёрдам бериши мумкин бўлган орган ёки органларнинг номи ва манзилини хабар қилади, деган талабларига тўла жавоб беради.

Қонуннинг 2-бандига кўра, Конвенция 42-моддасининг 1 ва 3-бандлари бўйича 15-19, 21, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27-моддаларда назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиш эканлиги ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилишлиги баён этилган.

Конвенциянинг 15-моддаси “Миллий оммавий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”; 16-моддаси “Хорижий оммавий мансабдор шахсларни ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларини пора эвазига оғдириш”; 17-моддаси “Оммавий мансабдор шахс томонидан мол-мулк талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши”; 18-моддаси “Ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш”; 19-моддаси “Хизмат мавқеининг суиистеъмол қилиниши”; 21-модда “Хусусий секторда пора эвазига оғдириш”; 22-моддаси “Хусусий секторда мулкнинг талон-торож қилиниши”; 23-моддаси 1-банди “Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш”; 24-моддаси “Яшириш”; 25-моддаси “Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш”; 27-моддаси “Иштирок ва суиқасд” деб номланган.

Ушбу хатти-ҳаракатлар Ўзбекистон жиноят қонунчилиги бўйича ҳам жиноий қилмиш сифатида баҳоланади ва амалдаги жиноят қонунида бундай қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қонун мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг “Ноқонуний тарзда бойлик орттирилиши”ни жиноят деб баҳолаган 20-моддаси ва “Юридик шахсларнинг жавобгарлиги”ни назарда тутувчи 26-моддасига қўшилмаган.

Қонуннинг 3-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенция 44-моддаси 6-бандининг “а” кичик бандига мувофиқ, ушбу Конвенциядан коррупция жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топшириш масалаларида ушбу Конвенциянинг бошқа Иштирокчи-давлатлари билан ўзаролик асосида ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдаланишлигини билдирган.

Қонуннинг 4-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг 46-моддаси 13-банди бўйича “Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларни олиш ва бажариш ёки бундай илтимосларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига юборишга жавобгар бўлган

марказий орган эканлигини, 14-банди бўйича “Ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосларни юборишда ўзбек, рус ва инглиз тиллари мақбул тиллар сифатида белгиланишлиги билдирилган.

Конвенциянинг 66-моддаси 2-банди қоидаларига эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг бу позицияси тегишли асосга эга эканлигига амин бўламиз. Яъни, бу бандда икки ёки ундан ортиқ иштирокчи давлатларнинг Конвенцияни шарҳлаш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай келишмовчилиги мунозаралар олиб бориш йўли билан, ёки арбитраж йўли билан ҳал этилиши, келишмовчиликлар бу йўсинда ўз ечимини топмаган тақдирда давлатлардан бирининг Халқаро Судга мурожаат этиши орқали бир қарорга келиши мумкинлиги белгиланган.

Бир неча халқаро ҳужжатлар замирида юзага келган ва унинг стандартларига жавоб бера оладиган Конвенциянинг моддалари юзасидан бундай келишмовчиликлар юзага келиши эҳтимолдан узоқ ва ҳар бир мамлакат Конвенция талабларини унга қўшилиши олдидан кўп марталаб ўрганиб чиққан ва мазмун ҳамда талабларидан тўла хабардор бўлган бўлади.

Ўзбекистон ўзини ушбу қоида билан боғлиқ эмас деб ҳисоблашининг ҳам ҳуқуқий асоси мавжуд. Сабаби, Конвенциянинг айнан шу моддаси 3-бандида ҳар қандай иштирокчи давлат унинг 2-бандини ўзига тааллуқли ёки аксинчалиги ҳақида билдиришни баён этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳуқуқий мустаҳкамланган. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш шакллари жуда ранг-баранг бўлгани боис, турли мезонларга кўра коррупциянинг ҳар хил турлари фарқланади.

Коррупцияни бир нечта асосий турларга ажратиш мумкин:
1) субъектларнинг мақомига кўра:
а) ҳокимият органларидаги коррупция;
б) хусусий сектордаги коррупция;
в) сиёсатдаги коррупция ёки сиёсий коррупция;
2) даражасига кўра:
а) қуйи даражадаги коррупция;
б) юқори даражадаги коррупция;
в) вертикал коррупция;
3) ижтимоий хавфлилик даражасига кўра:
а) коррупция-қилмиш;
б) коррупция-жиноят.

Коррупциянинг кўрсатилган турларини муфассалроқ кўриб чиқамиз.

Ҳокимият (ижроия, вакиллик ва суд) органларидаги коррупция ҳозирги вақтда жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистондаги муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Бу турдаги коррупция жиноятларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларни ўзлари қонунга риоя этишлари ва уни муҳофаза қилишлари лозим бўлган кишилар содир этадилар. Аксарият мамлакатларда бу жиноятлар кенг тарқалганлиги, давлат аппарати ходимлари коррупция домига илинганлиги мазкур мамлакатларнинг қонунчиларини порахўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ва бошқа хавфли мансабдорлик жиноятларига қарши қатъий чоралар кўришга ва, аксинча, амалдорларнинг унча хавфли бўлмаган ва кўпроқ даражада тарқалган жиноятларига жиддий эътибор бермасликка (масалан, унча қиммат турмайдиган совға олиш жиноят ҳисобланмайди) мажбур қилаётир.

Нодавлат ташкилотларидаги ёки хусусий сектордаги коррупция ҳозирги вақтда анча кенг тарқалган. Ташкилот (тижорат ёки жамоат ташкилоти) раҳбари унинг уставда белгиланган вазифаларига қатъий риоя этиши лозим, лекин у, давлат амалдори каби, ўзига қарашли бўлмаган ресурсларни ўз шахсий манфаатларида ёки иккинчи томон фойдасига тасарруф этиши, ташкилот манфаатларига зид бўлган ҳаракатларни содир этиши мумкин. Бунга кундалик ҳаётдан мисоллар: тижорат банкларида мақсади пул олиш ва ғойиб бўлишдан иборат бўлган лойиҳаларга пора эвазига кредитлар берилиши; турли мулк шаклига мансуб бўлган корхоналарда давлат ва корхона зарарига моддий бойликлар (вино-ароқ ёки нефть-кимё маҳсулотлари ва ш.к.)ни пора эвазига арзон нархларда олиш ва ҳ.к.

Айрим тадқиқотчилар сиёсий коррупцияни коррупция жиноятларининг алоҳида тури сифатида ажратадилар.

Коррупциянинг учта асосий шаклини ажратиш мумкин:

1) сиёсий. Мансабдор шахс юзага келган қариндош-уруғчилик муносабатлари туфайли қонунга зид ҳаркат қилади;

2) жиноят фаолияти билан боғлиқ бўлиб, мансабдор шахсларни сотиб олишга асосланган. Улар эса мукофот пули олиш эвазига ғаёриқонуний хизматлар кўрсатади;

3) тарафлардан бири ўзига энг қулай тартиб вужудга келтириш учун жиноятга мансабдор шахсларнинг тегишли тоифаларини изчиллик билан жалб этишни назарда тутади. Коррупциянинг бу шакли уюшган жиноятчилик билан мустаҳкам боғланган бўлиб, мансабдор шахсларга нисбатан сотиб олиш, провакация қилиш ва таҳдид солишни англатади.

Сиёсий коррупциянинг айниқса кўп учрайдиган шакллари пора олиш ва пора бериш ҳисобланади. Кейинги ўринда сайлов ҳуқуқини амалга ошириш чоғида сиёсат субъектларини пора эвазига оғдириш туради.

Фаолият кўрсатиш даражаларига кўра қуйи даражадаги, юқори даражадаги ва вертикал коррупция фарқланади.

Қуйи даражадаги коррупция ҳокимият ва бошқарув органларининг ўрта ва қуйи даражаларида айниқса кенг тарқалган бўлиб, амалдорлар ва фуқароларнинг мунтазам ўзаро алоқаси билан боғлиқ (рўйхатдан ўтказиш, жарималар, лицензиялаш, турли рухсатномалар олиш ва ш.к.).

Юқори даражадаги коррупция ҳокимият органларида ишлайдиган сиёсатчилар, олий мартабали амалдорларни қамраб олади ва жуда катта қимматга эга бўлган қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ (қонунларни илгари суриш ва қабул қилиш, давлат буюртмалари, мулк шаклларини ўзгартириш ва ш.к.). Аксарият ҳолларда коррупция битимидан манфаатдор бўлган иккала томон айни бир давлат ҳокимияти органида ишлайди. Масалан, қуйи турувчи давлат органининг амалдори ўзининг юқори турувчи бошлиғига у пора берувчининг коррупцион ҳаракатларига ҳомийлик қилиши ёки қўшимча маблағлар, ресурслар, ваколатлар бериши учун пора беради.

Коррупциянинг пора олиш ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш каби одатдаги шаклларидан ташқари, коррупция амалда намоён бўлишининг қуйидаги шаклларини фарқлаш мумкин:

мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши;

давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;

ўз корпоратив (сиёсий, диний, миллий ва ш.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш;

шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;

мансабдор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиши;

шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бузиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ш.к.) учун хизмат мавқеидан фойдаланиш;

тор гуруҳий манфаатларда норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш;

айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиш.

3-мавзу.
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Коррупцияга қарши курашда минтақавий механизмларнинг ўрни катта. Европа иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти, Европа Кенгаши Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти доирасида коррупцияга қарши курашга қаратилган бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилиниб, уларни ижросини назорат қилиш бўйича бўлимлар ташкил қилинган.

Коррупцияга қарши кураш халқаро ташкилотларнинг, айниқса Европа Иттифоқининг адлия ва ички ишлар соҳаларида асосий ваколатларидан бири ҳисобланади. Нъю-Йорк, Мадрид ва Лондонда амалга оширилган терактлар коррупцияга қарши курашга бўлган ҳаракатларни янада жадаллаштирди. Энди у фақатгина алоҳида ҳодиса сифатида эмас, хавфсизлик сиёсатининг муҳим қисмларидан бири сифатида қараладиган бўлди. Жумладан, коррупция иқтисодий жиноятчилик, уюшган жиноятчилик, даромадларни ювиш, одам савдоси, қурол-яроғ ва наркотиклар, терроризм билан боғлиқлиги аён бўлди. Терроризм, уюшган жиноятчилик ва молия бозори глобализацияси шуни кўрсатмоқдаки, коррупция билан миллий миқёсда қарши курашиш самарасиз ва фойдасиз. Шунинг учун коррупцияга қарши кураш халқаро жиноят органларининг ҳамокрлиги алоҳида аҳамият касб этади, миллий миқёсда эмас, халқаро миқёсда жиноятчилик қарши кураш органларининг тажриба алмашинуви талаб этилади.

Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари :

1) Европа Кенгашининг коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);

2) Европа Кенгашининг коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 9 сентябрь);

3) Европа Кенгашининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни тозалаш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1990 йил 8 ноябрь);

4) Коррупцияга қарши курашнинг йигирмата принципи (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 1997 йил 6 ноябрь);

5) Давлат хизматчилари учун Модель хулқ-атвор кодекси (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2000 йил 11 май);

6) Сиёсий партияларни ва сайлов кампаниясини молиялаштиришда коррупцияга қарши ягона қоидалар (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2003 йил 8 апрель);

7) Молиявий тизимдан пулни тозалаш мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги ЕИИ Директиваси (1991 йил 10 июнь);
8) Пулни легаллаштиришга қарши Париж декларацияси (Европа Иттифоқининг пулни тозалашга қарши парламентар конференциясининг Якуний декларацияси 2002 йил 8 февраль).

Агар халқаро стандартлар мавжуд бўлса, трансчегеравий ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилади. Коррупция билан қарши кураш қаратилган халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган бундай халқаро стандартлар ҳанузгача етарли эмас.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти дорасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ҳужжатлар тизими.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар турли халқаро ташклотлар томонидан қабул қилинади. Жумладан, БМТ, Европа Кенгаши, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти (ИҲРТ) ва бошқалар. Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) доирасида ҳозиргача коррупция масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Европа Иттифоқи нуқтаи назаридан, БСТ доирасида коррупцияга қарши курашиш нисбатан самарали бўлади. Шунинг учун Европа иттифоқи аъзо давлатлари Европа иттифоқининг коррупцияга қарши курашдаги ваколатларини БСТ га ўтказишни қўллаб-қувватлашади. Бундан кўриниб турибдики, БСТ ва Европа Иттифоқи ўртасида коррупцияга қарши курашдаги ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилган. Ҳозирда БСТ тизимида кўпроқ ривожланаётган давлатлар коррупцияга қарши курашда фаол иштирок қилишмоқда.

ИҲРТ доирасида 1997 йилда коррупцияга қарши кураш бўйича алоҳида ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Гап “Хорижий давлат мансабдор шахсларига пора беришга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенция ҳақида кетмоқда. Корвенция ўз ичига порахўрлик, пора берувчиларни излаб топиш, бундай ҳаракатларга қарши курашиш каби масалаларни олган. У пассив порахўрликни тартибга солмайди.

Конвенция 1996 йил февралда кучга кирган бўлиб, ҳозирда 38 давлат ратификация қилган. Бу давлатларнинг улуши дунё бозораида 75 % ни ташкил қилади. ОЭСР давлатлари хорижий мансабдор шахсларнинг порахўрлик жиноятларини содир қилишини олдини олиш ва унга қарши курашишда сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Европа иттифочининг барча давлатлари, Литвадан ташқари, уни имзолашган ва ратификация қилган. Конвенция халқаро даражада қабул қилинган коррупцияга қарши курашдаги дастлабки ҳужжат ҳисобланади.

Германия Федератив Республикаси конвенция қоидаларини миллий ҳуқуққа трансформация қилиб, 1998 йил 10 сентябрда Халқаро даражада пора беришга қарши кураш тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Дунёда тобора катта нуфузга эга бўлиб бораётган Европа Иттифоқи ташкилоти ҳам бир неча йилдирки, коррупцияга фаол қарши чиқиш билан бирга, бу борада ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳам ҳаракат қилмоқда.

У эришган муҳим ютуқлардан бири унинг доирасида 1999 йилда «Коррупцияга қарши жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги ва «Коррупция учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида»ги Конвенциялар қабул қилинди. Бу халқаро ҳужжатлардан ташқари, ушбу ташкилот доирасида ҳам қатор амалий чора- тадбирларни амалга оширмоқда.

Коррупцияга қарши курашда юқоридаги ташкилотлар ва бошқа купгина халқаро ноҳукумат ташкилотлар ҳам коррупциянинг салбий оқибатлари тўгрисида тадқиқот ишларини амалга оширмоқдалар. Халқаро ташкилотлар кўмагида МДҲ давлатларидан Россия, Озарбайжон, Грузия ва Арманистон давлатларида коррупцияга қарши йўналтирилган тур ли лойиҳалар, дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилаяпти.

Умуминсоний иллат ҳисобланган коррупция миллий хавфсизлик доирасидан чиқиб, глобал хавфсизликка ҳам ўз тахдидини намоён этаётган ҳозирги даврда унга қарши курашишга халқаро ташкилотларнинг киришиши ҳам объектив зарурият, ҳам глобаллашув жараёнининг ўзига хос кўринишидир.

Европа Кенгаши 1949 йил 05 майда ташкил қилинган бўлиб, 47 давлатни ўз ичига олган. У умумий европа масалаларини муҳокама қилиш бўйича форум ҳисобланади. Унинг устави аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни қўллаб қувватлаш, ҳамкорликни такомиллаштириш масалаларини қамраб олган.

Европа Кенгашининг коррупцияга қарши сиёсатини амалга оширишда иккита конвенция алоҳида ўрин тутади: Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция ва Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция. Иккала конвенция ҳам 1999 йил қабул қилинган. Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция 1999 йил 27 январда, унга қўшимача протокол 1999 йил 15 май қабул қилинди. Бу конвенция ОЭСР конвенциясидан фарқ қилган ҳолда, хорижий мансабдор шахсларнинг пассив порахўрлиги учун жиноий таъқиб қилиш, хусусий сектордада ҳам порахўрликка қарши курашиши масалаларини ҳам ўз ичига олган.

Бундай тажовузлар хусусиятларини туғрироқ аниқлаш имкониятини яратади, бобнинг ўзини эса янада салобатлироқ бўлишига имконият яратади , деган эди. Ўзбекистон Республикасининг янги ЖКда бундай бирлашгириш амалга оширилди. Жумладан, Ҳокимият бошкарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар» бўлимида «Бошқарув тартибига қарши жиноятлар» боби ташкил этилди. Бу боб бошқарув, идора этиш муносабатларига путур етказиши мумкин бўлган барча жиноятларни бирлаштирди. Лекин коррупция жиноятларининг хусусиятларини акс эттира олди, дейиш қийин, албатта. Негаки, пора олиш жинояти (210–м) билан ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш (225–м), хокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти (205–м) билан маъмурий назорат қоидаларини бузиш жинояти (226–м)ни тенглашлириб бўлмайди. Тўғри, янги жиноят қонунчилигида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятидан хокимият ҳаракатсизлиги ажратилди. Бу ва шунга ўҳшаш жиҳатларга жиноят конунларини тақсимлаш принципи асосида ёндошилди.

Шуни таъкидлаш керакки, кўраётган масаламиз нафақат назарий балки, жуда катта амалий аҳамиятга ҳам эга. Жумладан, бу масалаларни тўғри ҳал этишдан содир этиладиган ижгимоий хавфли харакатларнинг классификацияси ҳамда уларга тайинланиши мумкин бўлган жазоларни индивидуаллашгириш масаласи ҳал этилади.

Хокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишни турли хил кўринишларда, нафақат бошқарув тартибига қарши жиноятлар бобидаги қонунларда, балки бошқа боблардаги қонунларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, ЖК 121–модда (Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш); 144–модда (Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларни бузиш); 148–модда (Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш); 167–модданинг 2–қисми «г банди (Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш); 175–модда (Ўзбекистон Республикасининг манфлатларига хилоф равишда битимлар тузиш); 182–модда (Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш); 193–модда (Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш); 194–модда (Атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиж тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш); 195–модда (Атроф табиий муҳитнинг

ифлосланиши окибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик); 230–модда (Айбсиз кишини жавобгарликка тортиш); 231–модда (Адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш); 232–модда (Суд қарорини бажармаслик); 234–модда (Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш); 235–модда (Кўрсатув беришга мажбур қилиш); 236–модда, 2–қисм (Мансабдор шахс томонидан тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал эшшга аралашиш); 24–боб (Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари) кабиларни кўришимиз мумкин. Бу жиноятларнинг ҳар бирида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш аломатлари мавжуд бўлади, айнан ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятининг турли хил кўринишларини ташкил этади.

Жиноят қонунчилигининг «Бошқарув тартибига қарши жиноятлар бобида»ги коррупция жиноятлари турлари асосан ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноят қонунига хос белгилар асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида коррупция тўғрисида бир қатор нормалар ўз аксини топди. Жиноят кодекси умумий қисмида жиноятда иштирокчилик тушунчаси, иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, иштирокчиларнинг турлари, оғирлаштирувчи ҳолатларга доир нормалари ўз аксини топган бўлса, Махсус қисмида эса алоҳида жиноятларнинг иккинчи ва бошқа қисмларида “жиноятнинг бир неча шахслар томонидан содир қилиниши” каби қоидалар орқали оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баён қилинади.

Айрим жиноятлар борки, уларни содир қилишнинг ўзи коррупция содир қилинганлигини англатади. Жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти, терроризм ва бошқалар.

Аввалambор, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодескида алоҳида модда билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш фаолияти жиноят сифатида там олинганлигини ва уни амалга оширганлик учун жазо қўлланилиши белгиланганлигини эътироф этиш лозим. Хусусан, Жиноят кодексининг 243-моддасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш, яъни легаллаштиришга қуйидагича таъриф берилган:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш, яъни жиноий фаолият натижасида топилган мулкни ўтказиш, мулкка айлантириш ёки алмаштириш, шунингдек жиноий фаолият натижасида олинган мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, ташилиш усулини, мулкга нисбатан ҳақиқий эгалик ҳуқуқининг ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлаш» -тушунилади. Жиноят кодексининг ушбу моддасига биноан ушбу жиноят бўйича жавобгарлик беш йилдан ўнйилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Хулоса тариқасида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси томонидан коррупцияга қарши кураш борасидаги халқаро шартномаларни ўз миллий-ҳуқуқий амалиётга жорий этиш давр тақозоси бўлиб турибди. Бу борада, албатта миллий давлатчилик, жамиятнинг ижтимоий хусусиятлари каби омилларни ҳисобга олган ҳолда имплементация жараёни амалга оширилиши лозим. Вазият қилинган ишлар билан қониқмасликни талаб этмоқда. Коррупциянинг энг мудҳиш кўринишларига қарши кураш борасида инсон ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатларини таъминлаш устиворлигини амалда намоён этиш, ушбу тамойилга қонун ҳужжатларини мос ҳолга келтириш лозим.

5-мавзу.
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БОРАСИДА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Коррупцияга қарши кураш халқаро миқёсдаги каби республикамизда ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади. Коррупцияга қарши муваффақиятли кураш тизимини барпо этиш бу борада кенг кўламли халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, унга танқидий ёндошган ҳолда миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Коррупцияга қарши курашда халқаро институтлар ичида универсал ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳим рол ўйнайди. “Биз қачонки коррупциялашган элита фуқароларни таълим олиш, соғлиқни сақлаш, асосий инфраструктуралар ва амалдаги давлат хизматидан фойдаланишини чеклаб, ўз мамлакатидан юз миллионлаб ва ҳатто миллиардлаб долларларни талон-тарож қилган пайтда, узоқ вақт кўзимизни бошқа тарафга қаратиб турдик”, деб ёзган эди БМТнинг собиқ Бош котиби Кофи Аннан ўзнинг Коррупцияга қарши кураш бўйича учинчи Глобал форум иштирокчиларига йўллаган мурожаатида. 1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб бу халқаро ташкилот коррупция муаммосига жиддий эътибор бера бошлади.

БМТ томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши курашга йўналтирилган ҳужжатлар ичида 2003 йил декабрь ойида қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияси муҳим ўрин тутади. Тинчликни ва халқаро хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган универсал ташкилот БМТ даражасида ҳам оддий

инсонлар манфаатларини кўзлаб коррупцияга қарши халқаро конвенция қабул қилинганлиги улкан аҳамиятга эга.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашга ўзларининг фаолиятида алоҳида эътибор бериб келаётган қуйидаги халқаро ташкилотларни кўрсатиб ўтиш мумкин: БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Трансперенси Интернейшнл халқаро ноҳукумат ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Америка Давлатлари ташкилоти, Африка Иттифоқи, Араб давлатлари Лигаси, Бутунжаҳон божхона ташкилоти сингари халқаро ташкилотлар. Ушбу ташкилотлар томонидан коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашда ҳамкорлик қилиш ва бошқа давлатларни, халқаро бизнес ташкилотларини бу салбий феноменга қарши курашга жалб қилишга қаратилган қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Кейинги ўн йилликда қатор халқаро ташкилотлар коррупцияга қарши курашда ташаббускорлик кўрсатиб, халқаро ҳамжамиятни бу иллатнинг олдини олишда ҳамкорликка даъват этиб келмоқда.

Хусусан, юқоридаги ташкилотлар томонидан ёки уларнинг иштирокида қабул қилинган қуйидаги халқаро шартномаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт Ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат битимларида хорижий давлатлар мансабдор шахсларини сотиб олишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция;

Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенция;

Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенция;

Африка Иттифоқининг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш тўғрисидаги 2003 йил 12 июлдаги Конвенцияси;

Коррупцияга қарши курашда халқаро миқёсда қабул қилинган ва давлат хизмати сифатини кўтариш ҳамда давлат хизматчиларининг фуқаролар олдидаги масъулиятини ошириш ва ахлоқий жиҳатдан кўтаришга қаратилган халқаро ҳужжатларга қўшилиш, уларга амал қилиш ҳар қандай давлат учун муҳим аҳамиятга эга.

Коррупцияга қарши халқаро миқёсда ҳамкорликда курашнинг зарурати Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилоти томонидан ҳам эътироф этилиб, унга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси томонидан 2003 йил 15 ноябрда 22-15-сон қарор билан Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисидаги модель қонун қабул қилинган.

Қонун МДҲ давлатлари парламентлари учун коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш учун намунавий нормаларни ўз ичига олган тавсиявий характердаги қоидаларни қамраб олган. Мазкур қонун 35 та моддадан иборат бўлиб коррупцияга қарши кураш, унинг олдини олишга қаратилган бир қатор илғор ва мақбул нормаларни ҳам қамраб олган.

Коррупциянинг халқаро муносабатларга таъсирини ўрганган тадқиқотчилар “саноати ривожланган “биринчи дунё” мамлакатлари коррупция ёрдамида ўзларига маъқул келмаган ҳукуматларни ағдариб ташлаши, ўзларига хайрихоҳ режим ўрнатиши, амалдаги ҳокимиятга оппозицияни моддий таъминлаш имкониятига эга бўлади” деган хулосани билдиришган.

МДҲ мамлакатларида коррупция ва унга қарши кураш фаолияти давлат ва жамият бошқарувининг тизимли элементига айланган. Шу билан бирга, коррупция МДҲ мамлакатларида ички ва ташқи сиёсатни амалга оширилишида сезиларли таъсир қилувчи омилга айланиб қолди. Бу мамлакатларнинг юқори даражада коррупциялашганлиги, айрим мансабдор шахсларнинг коррупцияга мойиллиги бошқа давлатлар томонидан уларнинг сиёсий раҳбариятига ички ва ташқи сиёсатга тааллуқли қарорлар қабул қилишида босим сифатида фойдаланилмоқда, яъни, бундай мамлакатларнинг сиёсий раҳбарияти бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларининг сиёсий қарамлигига тушиб қолади, натижада давлатлараро муносабатларда, кредитлар олишда, шартномалар тузиш ва шу кабиларда муаммолар келиб чиқмоқда.

Дунёдаги энг ривожланган мамлакатларда ҳам коррупциявий жиноятлар содир этилади. Халқаро миқёсда коррупция, унинг тарқалганлик даражаси ҳамда жамият ва давлатга келтирадиган зарарини баҳолаш борасида кейинги йилларда хорижий давлатларда кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳеч бир давлат коррупциядан, унинг зарарли оқибатларидан суғурта қилинмаган. Хўш, ушбу иллатга қарши курашишда хорижий давлатлар қандай ютуқларга эришган? Бу борада дунёнинг тараққий этган давлатларида қўлланилаётган сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар нималардан иборат?

Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида қуйида хорижий давлатларнинг тажрибасини қиёсий таҳлил қиламиз.

Айтиш керакки, дунё давлатлари орасида бу борада Англия мустаҳкам қонунчилик базаси яратилгани билан ажралиб туради. Англияда 1889 йилда «Давлат органларида порахўрликка қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган бўлса, 1906 ва 1916 йилларда жамоатчилик таъсири остида коррупциянинг олдини олишга қаратилган яна бир қатор қонунлар қабул қилинган. Мазкур қонунларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири мансабдор

шахсга жамият олдида ўзини айбсиз эканлигини исботлаб бериш мажбуриятини юклатилиши ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу мамлакатда доимий равишда коррупцияга қарши курашиш борасида янги механизмлар, ҳуқуқий институтлар ва махсус қўмиталар таъсис этиб келинмоқда. Жумладан, 1994 йилда «Нолан Қўмитаси» таъсис этилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мазкур қўмита бевосита ҳукумат ва парламент вакиллари ўртасида коррупциявий ҳаракатларни аниқлаш билан шуғулланади.

Германияда эса, коррупцияга қарши курашишнинг асосини жиноятчиликнинг моддий базасини бартараф этиш ташкил этади. Давлат ушбу мақсадга мустаҳкам ҳуқуқий база яратиш орқали эришмоқда. Шуни алоҳида такидлаш керакки, Германия қонунчилигида банклар зиммасига 20 минг евродан ортиқ маблағ билан боғлиқ банк операциялари ўтказилса, бу ҳақда зудлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш вазифаси юклатилган. Қонун банклар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилаётган маълумотлардан фақат тергов жараёнларида фойдаланишини кафолатлайди.

Коррупцияга қарши курашишда ўзини самарали натижаларини бераётган яна бир механизм бу - коррупциявий фаолиятда гумон қилинаётган ёки айбланган фирмалар реестрини юритиш ҳисобланади. Реестрлар рўйхатига киритилган фирмалар давлат буюртмаларини амалга ошириш ҳуқуқларидан маҳрум этилиши билан бирга уларнинг молиявий фаолияти доимий равишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг диққат эътиборида бўлади.

Дунё давлатлари орасида Сингапур коррупцияга қарши курашишда муҳим натижаларга эришаётган давлат сифатида эътироф этилади. Сингапурда айнан коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича махсус бюро ташкил этилган бўлиб, ушбу орган сиёсий ва функционал жиҳатдан мутлақо мустақил ҳисобланади. Мазкур органнинг коррупцияга қарши курашишдаги асосий вазифалари сирасига давлат ва хусусий секторда коррупциявий ҳаракатларни тергов қилиш ва олдини олиш ҳисобланади. Шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларида мансаб ваколатидан ноқонуний фойдаланиш, уни суиистеъмол қилиш ҳолатларини текшириб, тўпланган ҳужжатларни тегишли чоралар кўриш учун мутасадди ташкилотларга юборади.

Ҳозирги пайтда коррупция муаммоси жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатида мавжуд. Шуни ҳисобга олган ҳолда бу ўринда АҚШ, Канада, ГФР, Франция, Голландия каби мамлакатларда ишлаб чиқилган давлат хизмати тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш

назарияси ва амалиётига тегишли айрим мисолларни кўриб чиқиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз.

Тавсифимизни коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган АҚШдан бошлаймиз.

Давлат ҳокимияти органларини коррупциянинг зарарли таъсиридан сақлаш зарурияти АҚШ ҳукуматини коррупцияга қарши курашни XIX асрдаёқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилашга мажбур қилган.

1906 й. АҚШда озиқ овқат ва дори воситалар ишлаб чиқарувчилар ассациацияси FDA (Food and Drug Administration) ташкил этилади ва илк бор Хусусий секторда коррупцияга қарши курашишга ихтисослашган ички хавфсизлик (комплаенс хизмати) ташкил этилади.

Лекин бу йўналишдаги ишлар фақат XX асрнинг ўрталарига келиб фаол тус олди. 1977 АҚШнинг «Хорижда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Акт» (FCPA — Foreign Corrupt Practices Act) қабул қилинади. Қонун талаби корпорацияларда комплаенс хизмати ташкил этилиши шарт.

Шу нарса диққатга сазоворки, АҚШ қонунларида нафақат давлат хизматчиси ўз вазифасини бажариши чоғида юзага келадиган манфаатлар тўқнашуви, балки давлат ҳокимияти органларида ўз хизматини тўхтатган шахс билан шундай ҳолатнинг рўй бериши ҳам назарда тутилган.

Давлат ҳокимияти органларини коррупциянинг зарарли таъсиридан сақлаш зарурияти АҚШ ҳукуматини коррупцияга қарши курашни XIX асрдаёқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилашга мажбур қилган.

Лекин бу йўналишдаги ишлар фақат XX асрнинг ўрталарига келиб фаол тус олди. 1962 йил АҚШ Конгресси сайлаб қўйиладиган мансабдор шахслар, хусусан Конгресс палаталари аъзоларининг хулқ-атвор қоидаларини ишлаб чиқиш масаласини муҳокама қилди. 1965 йилда АҚШ Президенти Л.Жонсон фармойишига биноан давлат ҳокимияти органларига давлат хизматчилари ўз вазифаларини қонунга мувофиқ, ҳалол ва сидқидилдан бажариши учун уларнинг хулқ-атворини белгилайдиган ахлоқ қоидаларини, хулқ-атвор андозаларини ўрнатиш ҳақида топшириқ берилди. АҚШ Президентининг мазкур фармойиши олий мартабали ҳукумат амалдорларига ўз «молиявий манфаатлари» нинг ҳолати ҳақида тегишли ҳукумат органига вақти-вақти билан маълумот бериб туриш мажбуриятини юклар эди. Ушбу фармойиш асосида Фуқаро хизмати бўйича комиссия молиявий декларация тақдим этишга мажбур мансабдор шахслар рўйхатини белгилади. Бу

декларацияларнинг мазмуни, токи бунга етарли асослар мавжуд экан, ошкор этилиши мумкин эмас эди[5].

Натижада АҚШ Конгресси 1978 йилда «Ҳукуматда ахлоқ тўғрисида» қонун қабул қилди. Бу қонуннинг вазифаси «давлат ва муассасалар амалдорлари ҳалоллигини сақлаб қолиш ва бу ишга кўмаклашиш» дан иборат эди. АҚШ Президенти Ж. Картер бу қонун ҳукумат амалдорларига тўғри йўл кўрсатибгина қолмай, уларни ҳалол бўлишга ҳам мажбур этишига, натижада жамиятга давлат хизматига муайян номзод, шунингдек у ёки бу давлат хизматчиси ҳалолми-ҳалол эмаслигини баҳолаш имконияти берилишига умид билдирди.

«Ҳукуматда ахлоқ тўғрисида» ги қонун кучга кирганидан сўнг, АҚШ судларига қонуннинг ўз даромадлари ҳақида декларация тақдим этиш ҳақидаги талаблари давлат хизматчиларининг шахсий ҳаётига жамият ва давлатнинг ғайриконституциявий аралашишидан бошқа нарса эмас, деган мазмунда шикоятлар туша бошлади. Бироқ АҚШ Олий суди мазкур Қонуннинг Конституцияга мослигини тасдиқлади. Лекин, шунга қарамай, «Ҳукуматда ахлоқ тўғрисида» ги қонундан кўзланган мақсадга эришилмади.

АҚШ Кодексининг 207 бўлими уларни «энг юқори даражадаги ходимлар» деб атайди. АҚШ тизими кўп босқичлидир: ҳар бир ҳукумат аъзоси риоя қилиши керак бўлган бир нечта чеклашлар мавжуд бўлиб, ходимнинг лавозими кўтарилган сари улар ҳам кўпайиб боради.

Энг катта ходимлар бир қанча чеклашларга риоя қилиши керак:

- ўзлари ижрочи ходим сифатида бевосита иш олиб борган масала юзасидан у ёки бу ташкилот манфаатларини ифодалашлари умрбод тақиқланади барча ижрочи ходимларни қамрайди);

- ўзлари бевосита иш олиб бормаган, лекин шу масала учун бевосита жавобгар бўлган ҳолатлар бўйича икки йилга тақиқланади;

- ижрочи ҳокимиятнинг бирон бир хозирги вакилига бирон-бир ташкилотнинг манфаатини ифодалаш бир йил муддатга тақиқланади;

- бирорта хорижий ташкилотнинг манфаатларини “АҚШнинг бирон вазирлиги ёки идорасидан аввал” ифодалаш ва хорижий ташкилотга маслаҳат ёки ёрдам кўрсатиш бир йиллик муддатга тақиқланади.

Қонуний ҳукумат Ахлоқ идораси ижрочи ходимларга бу қонунга риоя қилиш юзасидан маслаҳатлар беради.

Президент Ж.Буш томонидан федерал органларда ахлоқ тўғрисидаги қонунни ислоҳ қилиш бўйича Президент комиссиясининг ташкил этилиши

[5] Ўтган асрнинг 70-йилларида «Уотергейт можароси» натижасида қўзғатилган давлат ҳокимияти органларидаги қонунбузарликларни тергов қилиш жараёнида АҚШнинг Назорат-молия бош бошқармаси кўпгина маҳкамалар Президент фармойишини бажармаётганлигини аниқлади.

давлат хизматчиларига нисбатан жамият ишончининг пасайишига муносабат натижаси бўлди. 1989 йилда «Ахлоқ тўғрисидаги қонун ислоҳоти ҳақида» қонун қабул қилинди. У мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор одобини тартибга солувчи нормаларга айрим ўзгартишлар киритди ва ахлоқ тўғрисидаги қонуннинг амал қилиш доирасини кенгайтирди – уни федерал ҳокимиятнинг барча (қонунчилик, суд, ижроия) тармоқларига татбиқ этди. Ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат олиб борадиган махсус маҳкамалар ҳам ташкил этилди.

АҚШнинг уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тарихида 1970 йил июнь ойида «Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш миллий Кенгаши» нинг ташкил этилгани муҳим ўрин тутади. Мазкур Кенгашнинг энг асосий вазифаси - уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича умуммиллий ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Айтиш керакки, уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш АҚШ Адлия вазирлиги раҳбарлиги остида амалга оширилади. Шунингдек, вазирлик ваколатига жиноятчиликка қарши курашиш бўйича миллий стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда метадологик раҳбарлик қилиш ҳам киради.

Мазкур мамлакат тарихида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўтказилган энг шов-шувли операциялардан бири «ABSCAM» ёки «Шайх ва асал арилар» деб номланади. Мазкур операция ФТБ (FBI)нинг дарсликларидан «оқ ёқалилар» жиноятчилигига қарши курашиш борасида ўтказилган энг муваффақиятли махсус операциялардан бири сифатида жой олган.

«ABSCAM» номини олган махсус операция якунлари бўйича 1980 йилда ФТБ (FBI)нинг раҳбари Уильям Уэбстер томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Уильям Уэбстернинг расмий баёнотида ФТБ (FBI) томонидан ўтказилган махсус операция натижасида тўпланган ҳужжатлар ва далилий ашёлар 2 нафар сенатор, 6 нафар конгресс аъзоси ва 9 нафар юқори мартабали мансабдорга қонуний жазо тайинлаш учун судга топширилиши қайд этилади. Шунингдек, матбуот анжуманида иштирок этган мамлакат бош прокурори Чивилетти пора олиш жиноятини содир этишда гумон қилинаётган мингдан ортиқ мансабдор шахслар жиноий қилмиши фош қилинмасдан ўз мансабларидан кетишга мажбур бўлгани ҳақида баёнот беради.

Бу махсус операция ўта муваффақиятли якунланган эди. Чунки 1982 йилда Адлия вазирлиги ФТБ (FBI)нинг 23 фоиз бюджетини мансабдор шахсларнинг «оқ ёқалилар» порахўрлигига қарши курашиш тадбирларига йўналтиришни режалаштирилган эди. Аммо «Шайх ва асал арилар» махсус операциясидан сўнг мансабдор шахслар томонидан пора олиш жинояти бир неча ўн баробарга камайиб кетгани натижасида ушбу жиноят билан курашиш

учун режалаштирилган бюджет маблағларини сарфлашга зарурат қолмайди.Шу нарса диққатга сазоворки, АҚШ қонунларида нафақат давлат хизматчиси ўз вазифасини бажариши чоғида юзага келадиган манфаатлар тўқнашуви, балки давлат ҳокимияти органларида ўз хизматини тўхтатган шахс билан шундай ҳолатнинг рўй бериши ҳам назарда тутилган.

АҚШ қонунчилиги давлат хизматчисининг қўшимча (асосий вазифа учун иш ҳақидан ташқари) даромад олиш ҳуқуқини ҳам анча чеклаган. Бундай даромад миқдори асосий иш ҳақининг 15 фоизидан ошмаслиги лозим. Бу чеклаш Сенат аъзоларидан ташқари, ҳокимият учала тармоғининг барча хизматчиларига нисбатан татбиқ этилади.

АҚШ федерал қонунчилигида давлат ҳокимияти органларини тарк этган собиқ давлат хизматчиларининг иш фаолиятини чеклайдиган нормалар ҳам назарда тутилган. Масалан, давлат хизматчиси хизматни ўташ даврида муайян муаммоларни ҳал қилишда ҳукумат мансабдор шахси сифатида шахсан ва катта ваколатлар билан иштирок этган бўлса, у истеъфога чиққанидан кейин ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан шунга ўхшаш муаммоларни ҳал қилишда бировнинг манфаатларини расман ва ҳар қандай шаклда ифода этишга ҳақли эмас.

Собиқ давлат хизматчиси истеъфога чиққанидан кейин икки йил мобайнида мазкур давлат хизматчиси ижро этувчи ҳокимият органида хизмат қилиш даврининг охирги бир йили давомида унинг расмий ваколатлари қаторига кирган муайян муаммоларни ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳал қилишда вакиллик фаолиятини амалга ошириши мумкин эмас.

Юқори мартабали давлат хизматчиси истеъфога чиққанидан кейин бир йил давомида ўзи хизмат қилган идорада ҳар қандай масала юзасидан бировнинг манфаатларини ифода этиши мумкин эмас.

Ижро этувчи ҳокимият органларида коррупциянинг тарқалишига йўл қўймаслик учун қонун давлат хизматчиларига муайян расмий қарорлар қабул қилиниши ёки чоралар кўрилишидан манфаатдор бўлган шахслардан «бирон-бир қимматга эга бўлган нарсалар» қабул қилишни тақиқлайди. Бироқ қонун ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат олиб бораётган идораларга «бу қоидалардан оқилона истиснолар қилиш»га рухсат беради.

Чет давлатлардан совғалар олиш Конституцияга мувофиқ қатъиян ман этилган бўлса-да, амалдаги ҳуқуқий нормаларда бу қоидани истисно этадиган ҳолатлар назарда тутилган. Чет давлатларнинг вакилларидан совға ва мукофотлар олиш шартларини тартибга солувчи қоидалар белгиланган. Давлат хизматчиси чет давлат вакилидан, башарти бу совға сувенир тариқасида ёки эҳтиром юзасидан таклиф қилинган ва «минимал қиймат»дан ортиқ бўлмаса, совға қабул қилишга ҳақли. Давлат хизматчиси, башарти совға

АҚШнинг фан ва тиббиёт соҳасидаги алоқалари ривожланишига кўмаклашса, совғани қабул қилишдан бош тортиш уни тортиқ қилган шахсни хафа қилиши ва бу АҚШнинг халқаро муносабатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, совға қабул қилишга ҳақлидир.

2002 йил 30 июлда АҚШнинг Сарбейнз-Оксли (Sarbanes-Oxley Act, SOX) Қонуни қабул қилинади. Унинг талаби америка биржасида ўз активларини жойлаштирган барча хорижий компаниялар ўзларида копоратив бошқарув тизимига коррупцияга варши комплаенс хизматларини ташкил этишлари мажбур.

АҚШ ва Канаданинг давлат хизматини ўташ масалаларини тартибга солувчи қонунчилиги давлат хизматида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймайдиган, давлат ресурсларидан лозим даражада фойдаланишни таъминлайдиган, ходимлар ўртасида профессионализм ва ҳалолликнинг энг юксак даражасига эришишни талаб қиладиган маъмурий кодекслар ва хулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олади.

АҚШ ва Канаданинг давлат хизмати тўғрисидаги қонунчилигида бир қанча нормалар борки, улардан Ўзбекистонда давлат хизматини ислоҳ қилиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Зотан, давлат хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан коррупцияга қарши хусусиятга эга бўлиши лозим.

ГФР тажрибаси коррупцияга таъсирчан соҳаларни аниқлаш, мамлакат марказий банкида давлат хизматчиларини пора эвазига оғдиришда фош қилинган жисмоний ва юридик шахсларнинг маълумотлар базаларини ташкил этиш коррупциянинг олдини олиш борасида энг самарали ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу уларга янги ном билан ёки бошқа ниқоб остида давлат буюртмаларини олишга, бошқарув кадрларини ротация қилишга, бошқарув ходимлари фаолияти устидан ички назорат олиб борадиган ташқи бўлинмалар ташкил этишга имкон бермайди.

Голландия ҳукумати коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида коррупция хатти-ҳаракатлари, шу жумладан порахўрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишда фош этилган давлат хизматчиларига нисбатан амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилган жазоларни оғирлаштиришга қарор қилди. Бу ҳолат шу билан белгиланадики, сўнгги йилларда мамлакатда ўз мансаб мавқеи ёки хизмат вазифаларидан давлат ҳокимияти органларида янада мустаҳкамроқ мавқега эга бўлишга ҳаракат қилаётган уюшган жиноий тузилмаларнинг манфаатларида фойдаланган бир қанча сиёсатчилар ва жамоат арбоблари аниқланди. Давлат хизмати тизимидаги коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, миллий хавфсизлик хизматига уюшган жиноятчилик

билан алоқаларда гумон қилиш учун асослар мавжуд бўлган парламент депутатлигига номзодларни текшириш ҳуқуқи берилди.

Европа давлатлари орасида Италия Республикаси коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хос тизимига эга. Ушбу давлатда коррупцияга қарши курашишда жамоат ташкилотлари ва давлат муассасалари ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориши йўлга қўйилган. Парламент томонидан уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича махсус Кенгаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича округ бошқармалари ташкил этилган.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Италия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан коррупцияга қарши «Тоза қўллар» деб номланган махсус операция ўтказилади. Бу операция уюшган жиноятчиликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва сиёсатдаги таъсирига чек қўйишга қаратилган эди. Сайлов компанияларини ноқонуний молиялаштириш ва сиёсатчиларни сотиб олиш каби жиноий ҳаракатларни аниқлаш ҳам ушбу операциянинг мақсадларидан бири ҳисобланган.

Натижада 1.456 нафар йирик сармоядор, мансабдор шахслар, сиёсий партия аъзоларини қамоққа олиш бўйича санкциялар имзоланган бўлса, 3.026 нафар тадбиркор, мансабдор шахслар, сиёсатчилар тергов жараёнларига жалб этилган. Амалдаги парламент аъзоларининг 251 нафари, тўрт нафар собиқ бош вазир ҳам терговга жалб этилган. Коррупциявий жиноятларда гумон қилинаётган 10 нафар шахс тергов жараёнида ўз жонига қасд қилган.

Коррупцияга қарши самарали курашишда дунёнинг ривожланган мамлакатларида бой амалий тажриба тўпланган.

Бу тажрибадан оқилона фойдаланиш коррупция сингари хавфли жиноий қилмишга қарши муросасиз курашишда ўз самарасини беради. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра коррупция даражаси энг паст бўлган давлатлардан бири Финляндия ҳисобланади. Ҳозирги кунда Финляндияда йилига 3-4 та порахўрлик билан боғлиқ жиноят ишлари кўрилар экан. 1980-1989 йилларда, 81 нафар шахслар пора олганлик учун, 49 нафар шахслар пора берганлик учун жазоланган.

Шуниси эътиборлики, Финляндия Жиноят кодексида “коррупция“ деган тушунча мажуд эмас. Унда мансабдор шахсларнинг порахўрлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бундай жиноятни содир этган мансабдор шахслар учун қилмишнинг ижтимоий хавфлилигига қараб жарима ёки 4 йилгача бўлган муддатга турмага қамаш жазоси татбиқ этилади.

Ажабланарлиси, Финляндияда махсус коррупцияга қарши кураш ҳақида қонун мавжуд эмас, коррупцияга қарши курашувчи махсус орган ҳам тузилмаган. Коррупцияга умумий жиноятчиликнинг бир қисми қабилида кураш олиб борилади. Финляндия Конституцияси, Жиноят кодекси,

Фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун, маъмурий бошқарувга оид йўриқномалар ва бошқа қонуности ҳужжатлар коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳужжатлар ҳисобланади. Буларнинг орасида энг муҳими Аҳлоқ қоидаларидир.

Финляндияда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳужжатлар ижроси устидан назорат мамлакат Президенти томонидан тайинланадиган, бироқ, мутлоқ мустақил фаолият юритувчи Адлия канцлери ва парламент вакили Омбудсман томонидан олиб борилади. Улар бутун ҳокимият тармоқлари фаолиятини назорат қилиш ваколатига эгалар.

Юқори мартабали мансабдор шахсларни айблаш ҳақидаги жиноят ишлари махсус ташкил этилган Давлат суди томонидан кўриб чиқилади. Бу суд ҳаттоки давлат раҳбарига нисбатан бўлган ишларни ҳам кўриб чиқиши мумкин. Унга - Адлия канцлери, парламент вакили Омбудсман, ҳукумат вакиллари, Олий суд ва маъмурий суд судъялари аъзо бўлиши мумкин. Иккинчи Жахон Урушидан кейин Давлат суди бор – йўғи бир марта чақирилган холос.

Давлат хизматчилари сони унчалик кўп эмас. Айниқса, 90-йилларда кейин давлат хизматчилари сони деярли тенг яримига, яъни 230.000 дан 127.000 га қисқартирилган. Финляндияда давлат хизматчиларини коррупциялашувидан сақловчи муҳим омиллардан бири - уларнинг моддий ва ижтимоий таъминланганлигидадир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Финляндияда оммавий ахборот воситалари ижтимоий назоратнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳукумат эса оммавий ахборот воситаларига нафақат эркинлик яратиб берган, балки ҳар бир эълон қилинган коррупция ҳолати бўйича аниқ чораларни кўриб боради. Финляндия коррупцияга қарши бир қанча халқаро ҳужжатларга қўшилган, халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини фаол олиб боради.

Дания, Финляндия, Швеция, Янги Зелландия, Канада, Норвегия, Австралия, Люксембург, Швейцария, Ирландия, Германия, Буюк Британия, АҚШ ва Австрия ҳам коррупциялашмаганлиги жиҳатдан юқори ўринларда турадиган давлатлар саналади. Бу мамлакатларда коррупция ҳукумат томонидан миллий хавфсизлик масаласи, ички ва ташқи хавфсизликка таҳдид солувчи омил сифатида баҳоланади.

Ғарбий Европа мамлакатлари жиноят ҳуқуқида пора предмети анча кенг – мулкий ёки бошқа наф тарзида тушунилади. Бир қатор ҳолларда пора предмети сифатида тақдим этилган моддий ёки бошқа нафнинг хусусиятлари жиноятни таснифлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

АҚШ ва Буюк Британия жиноят қонунига биноан, оммавий ташкилотларнинг хизматчилари – мансабдор шахслар ҳам, бошқа ходимлар ҳам пора олганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

АҚШ, Буюк Британия жиноят қонунларидан фарқли ўлароқ, Италия, Франция ва ГФРда хизматчини пора эвазига оғдиришнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий чоралар анча барқарордир.

Буюк Британия статут ҳуқуқида порахўрлик учун жавобгарлик 1889, 1906, 1916 ва 1925 йилги қонунлар билан ўрнатилган, шунингдек суд прецедентлари билан тартибга солинган. Бу Англиянинг коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари динамик хусусиятга эга эканлигидан далолат беради. Муфассал, баъзан ҳаддан ортиқ деталлаштирилган таърифлар, умумий санкциялар билан бир хил махсус нормалар тузиш ёки таснифланган (имтиёзли) таркибларни (масалан, чойчақа бериш ва олиш учун жавобгарлик моддасини) заруратсиз киритиш АҚШ коррупцияга қарши қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларидир.

Айрим штатларда жиноят қонунчилигини кодификациялашда тавсиялари ҳисобга олинадиган АҚШнинг Намунавий Жиноят кодексида кўрсатилганидек, “оммавий хизматчи” атамаси “давлатнинг ҳар қандай мансабдор шахсини ёки хизматчисини, шу жумладан қонун чиқарувчи ва судьяни ҳамда давлат вазифасини амалга оширишда ёки бошқа тарзда иштирок этувчи ҳар қандай шахсни англатади”.

Германия ҳуқуқшуносларининг фикрига кўра, мансабдорлик жиноятлари нафақат субъект – мансабдор шахснинг белгиси бўйича, балки ҳимоя қилинадиган объект – давлат аппарати нормал амал қилиши бўйича ҳам бирлаштирилган. “Башарти шахс:

а) амалдор ёки судья ҳисобланадиган;

б) бошқа оммавий-ҳуқуқий хизмат муносабатларида бўлса; ёки

в) оммавий бошқарув вазифаларини қайсидир ҳокимият органида ёхуд бошқа муассасада ё унинг топшириғига кўра амалга оширишга даъват этилган бўлса, у мансабдор шахс ҳисобланади”.

Бундан ташқари, «бевосита оммавий хизмат қилишга даъват этилган», яъни «мансабдор шахснинг ўзи бўлмаса-да, ҳокимиятнинг қайсидир органида оммавий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган ёки бундай вазифаларни амалга оширувчи муассаса ёхуд бирлашмада банд бўлган ходим мансабдорлик жиноятларининг субъекти ҳисобланади”.

Францияда давлат хизмати тизимидаги коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида XX асрнинг 90-йилларида сайланган барча давлат хизматчиларига ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида мустақил

идораларга маълумот бериш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, давлат аппарати юқори мартабали ходимларининг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошкор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди. Маъмурий муассасада имзоланган муносабатлар ёки улар томонидан берилган рухсатлар ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот бериш шакллари ишлаб чиқилди. Кўча ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шу жойнинг ўзида жарима тўлаш тақиқланди. Давлат хизмати тизимидаги коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш усули сифатидаги давлат назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида префектураларнинг қонунийликка риоя этилиши устидан назорат олиб борадиган хизматларда банд бўлган ходимларининг сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш, шунингдек префектураларнинг хизматларига мазмуни коррупция хавфини кучайтирадиган ҳужжатларни бажариш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Франция ҳукумати Ҳисоб палатаси ваколатларини кенгайтириш ҳамда корхоналарнинг ўз ходимларини коррупция хавфидан сақлаш учун ички аудит ва назорат тадбирлари ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, Франция ҳукумати Адлия вазирлиги қошида Коррупцияга қарши кураш марказий хизмати ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Францияда оммавий мансабдор шахсларнинг фаолияти турли норматив ҳужжатлар: ҳам қонунлар, ҳам қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади. 1992 йилда қабул қилинган ва 1994 йилнинг сентябрида кучга кирган Франциянинг Жиноят кодекси оммавий мансабдор шахсни қуйидагича таърифлайди:

1) давлат ҳокимиятига эга бўлган шахслар (Франция Республикаси олий мансабдор шахслари);

2) давлат хизматида бўлган шахслар (тўртта тоифадаги амалдорлар);

3) сайланганлик мандатига эга бўлган шахслар.

Францияда 1992 йилгача айбдорлар 1810 йилги ЖКнинг 177–183-моддалари билан жавобгарликка тортиб келинган; Италиянинг 1930 йилги Жиноят кодексига мансабдорлик жиноятларига доир жиддий ўзгартиришлар фақат 1990 йил киритилган. 1871 йили қабул қилинган Германия Жиноят кодексида порахўрликка оид меъёрлар деярли ўзгаришсиз қолган.

Францияда давлат хизмати тизимидаги коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида XX асрнинг 90-йилларида сайланган барча давлат хизматчиларига ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида мустақил идораларга маълумот бериш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор қабул

қилинди. Бундан ташқари, давлат аппарати юқори мартабали ходимларининг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошкор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди. Маъмурий муассасада имзоланган муносабатлар ёки улар томонидан берилган рухсатлар ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот бериш шакллари ишлаб чиқилди. Кўча ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шу жойнинг ўзида жарима тўлаш тақиқланди.

Давлат хизмати тизимидаги коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш усули сифатидаги давлат назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида префектураларнинг қонунийликка риоя этилиши устидан назорат олиб борадиган хизматларда банд бўлган ходимларининг сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш, шунингдек префектураларнинг хизматларига мазмуни коррупция хавфини кучайтирадиган ҳужжатларни бажариш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Франция ҳукумати Ҳисоб палатаси ваколатларини кенгайтириш, шунингдек корхоналарнинг ўз ходимларини коррупция хавфидан сақлаш учун ички аудит ва назорат тадбирлари ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, Франция ҳукумати Адлия вазирлиги қошида Коррупцияга қарши кураш марказий хизмати ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Давлат ташкилоти ёки хусусий корхона томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши кураш дастури қандай ишлайди?

Францияда коррупцияга қарши кураш дастурини 500 нафар кишидан ортиқ штат бирлиги ёки муайян мулк оборотига эга ҳар қандай корхона еки ташкилот жорий этишга мажбур. Бу дастур саккиз муҳим унсур асосида тузилиши керак. Булар:

1. Нафақат корхона, балки унинг ташқарисида ҳам ходимларнинг ман этилган хулқ-атвор кўринишларини намоён этадиган, коррупция ҳаракатларининг турли шакллари аниқ белгилайдиган Хулқ-атвор Кодекси.

2. Хулқ-атвор Кодекси бузилган ҳолларда ташкилот/корхона ходимларини жавобгарликка тортиш имконини берувчи хулқ-атвор санкцияларининг қатъий тартиби.

3. Ташкилот ёки корхонанинг хулқ-атвор кодексига зид бўлган хулқ-атвор ёки вазият мавжудлиги тўғрисида маълумот йиғишга ёрдам берувчи хабарчи-ходим ҳимоясини кафолатлайдиган хабар қилишнинг ички аноним яъни яширин тизими.

4. Ташкилот ёки корхона фаолияти соҳасига боғлиқ ҳолда, коррупция оид муҳим ҳатарларларини аниқлаб, таҳлил қилиб белгилайдиган мунтазам янгиланиб турадиган хатарлар картографияси.

5. Мижоз ва таъминотчилар, шунингдек, воситачиларнинг эҳтимолий коррупция хавфларини баҳолаш амалиётлари.

6. Коррупция далилларини яшириш учун бухгалтерлик китоби, реестр ва ҳисоб-китоб ёзувларидан фойдаланмаслик кафолатини таъминловчи ички ёки ташқи бухгалтерлик назорати.

7. Коррупция хавфига учраш эҳтимоли юқори бўлган ҳамда мавқейидан фойдаланиш хавфидан холи бўлмаган раҳбар ва ходимларни мунтазам равишда мажбурий ўқитиш учун ўқув режаси.

8. Коррупцияга қарши курашиш дастурининг юқорида санаб ўтилган чора-тадбирлар бўйича ижросини ички назорат ва баҳолаш тизими.

Бунда сўз ташкилот ёки корхонанинг ўзи томонидан амалда бажарилганлиги мунтазам назорат қилиниши керак бўлган комплекс дастур тўғрисида бормоқда. Бундан ташқари, Франция Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган коррупцияга қарши кураш агентлиги исталган вақтда ҳар қандай давлат ташкилоти ёки хусусий корхона томонидан коррупцияга қарши кураш дастури жорий этилгани юзасидан текширув ўтказиш ваколатига эга. Агентлик шунингдек, коррупцияга қарши кураш дастурига мувофиқ келмаслиги ёки унга риоя қилинмагани учун уларга нисбатан жиддий маъмурий санкциялар қўллаш ваколатига эга.

ГФР тажрибаси коррупцияга таъсирчан соҳаларни аниқлаш, мамлакат марказий банкида давлат хизматчиларини пора эвазига оғдиришда фош қилинган жисмоний ва юридик шахсларнинг маълумотлар базаларини ташкил этиш коррупциянинг олдини олиш борасида энг самарали ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу уларга янги ном билан ёки бошқа ниқоб остида давлат буюртмаларини олишга, бошқарув кадрларини ротация қилишга, бошқарув ходимлари фаолияти устидан ички назорат олиб борадиган ташқи бўлинмалар ташкил этишга имкон бермайди.

Канаданинг жиноят қонунчилигига мувофиқ, «мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш», «ҳукуматни алдаш», «мансабдор шахс томонидан содир этилган ишончни суиистеъмол қилиш» мансабдорлик жиноятлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, 1985 йил Канадада давлат хизматчиларининг хизмат вазифалари ва шахсий манфаатлари ўртасида тўқнашув юз берган ҳолда улар амал қилиши шарт бўлган хулқ-атвор қоидаларини ўзида жамлаган Кодекс қабул қилинди. Қонун чиқарувчининг фикрига кўра, мазкур қоидаларнинг мақсади – «давлат аппаратига ва давлат хизматчиларининг ҳалоллигига жамиятнинг ишончини ошириш»дан иборат. Бундан ташқари, қоидалар юқорида зикр этилган жиноятларнинг олдини олишга, давлат хизматида ва уни тарк этгандан сўнг «манфаатлар тўқнашуви» рўй берган ҳолларда барча

давлат хизматчилари хулқ-атворининг аниқ қоидаларини белгилашга, «бундай ҳолатлар рўй бериш эҳтимолини мумкин қадар камайтириш ва улар рўй берган ҳолда, уларни жамият манфаатлари йўлида ҳал қилиш»га қаратилган.

Бу Кодекс тўрт қисмдан иборат. Биринчи қисмда давлат хизматчилари амал қилишлари шарт бўлган умумий хулқ-атвор қоидалари таърифланган. Масалан, давлат хизматчиси «манфаатлар тўқнашуви» юз бериши эҳтимолини истисно этиш учун қўлидан келган барча ишни қилиши шарт. У, Кодексда белгилаб қўйилган қоидалардан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз идорасига бевосита тегишли барча талабларга, шунингдек ўз мамлакатининг инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларига, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиши лозим.

Давлат хизматчилари ўз мансаб вазифаларини ва шахсий юмушларини шундай бажаришлари керакки, ҳукуматнинг ҳалоллиги, холислигига жамоатчиликнинг ишончи сақлансин ва мустаҳкамлансин. Давлат хизматчиларининг касб фаолияти ҳам, шахсий фаолияти ҳам жамоатчиликда унинг қонунийлиги ва асослилигига ҳеч қандай шубҳа уйғотмаслиги лозим. Бироқ бунга эришиш учун қонунга қатъий риоя қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Канада давлат хизматчиларига ўзлари ишлайдиган маҳкаманинг муҳим манфаатларига бевосита дахл қиладиган шахсий манфаатларга эга бўлиш тавсия этилмайди, Кодексда рухсат этилган манфаатлар бундан мустасно.

Давлат хизматчилари қиймати пул баҳосида ифодаланиши мумкин бўлган турли совға, инъомларни қабул қилишлари мумкин эмас.

Давлат хизматчилари ҳали эълон қилинмаган ва уларга ўз хизмат вазифасини бажариши натижасида маълум бўлган ахборотдан моддий наф кўришга ҳақли эмас. Улар давлат мулкидан у расман мўлжалланганидан бошқа бирон-бир мақсадда фойдаланилишига йўл қўймасликлари лозим.

Давлат хизматчиси давлат хизматини тарк этганидан сўнг ўзининг илгари давлат хизматида бўлган ҳолатидан бирон-бир наф кўришга ҳаракат қилмаслиги керак.

Кодекснинг иккинчи қисми давлат хизматчисининг кундалик фаолиятига қўйиладиган талаблардан ташкил топган. Қонун чиқарувчи фикрига кўра, «манфаатлар тўқнашуви»нинг олдини олиш – бу давлат хизматчиси бўйсуниши лозим бўлган тартиб-қоидага оид ва маъмурий талаблардир.

Кодексга мувофиқ, давлат хизматчиси хизматга тайинланганидан кейин 60 кун ичида ваколатли мансабдор шахсга ўз мол-мулки ҳақида ва мансаб манфаатларига зид келиши мумкин бўлган барча тўғридан-тўғри ва муҳим

мажбуриятлари тўғрисида сир тутиладиган муфассал маълумот тақдим этиши лозим.

Кўрсатилган мол-мулк турларига қуйидагилар киради:

корпорацияларнинг эркин муомаладаги акциялари ва облигациялари;

мазкур компанияларнинг ёки турли хусусий компанияларнинг, шу жумладан давлат буюртмаларини бажарувчи компанияларнинг акцияларига эгалик ёки уларни назорат қилиш;

ерга эгалик қилишнинг айрим турлари, шу жумладан даромад олиш мақсадида фойдаланилаётган мол-мулк;

асбоб-ускуналар ва товарлар, чет эл валютаси (агар улардан даромад олиш мақсадида фойдаланилаётган ёки савдо қилинаётган бўлса);

оила аъзоларидан ташқари, ҳар қандай шахсга берилган қарзлар;

реал ёки потенциал «манфаатлар тўқнашуви»га олиб келиши мумкин бўлган бошқа мол-мулк ёки мажбуриятлар.

Давлат хизматчилари ўз мол-мулки, мажбуриятлари таркибидаги ҳар қандай ўзгаришлар, шунингдек давлат хизматидан ташқаридаги фаолияти тўғрисида ваколатли мансабдор шахсга зудлик билан ахборот беришлари шарт.

Барча давлат хизматчилари давлат хизмати билан мувозий тарзда хилма-хил фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкин, «манфаатлар тўқнашуви»ни келтириб чиқариши мумкин бўлган фаолият турлари бундан мустасно.

Давлат хизматчиси ўз хизмат ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай совғалар, меҳмондўстлик ва бошқа моддий нафни рад этиши шарт. Бундан ташқари, у ҳукумат идоралари билан иш олиб бораётган шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлар таклиф қилган шахсий моддий нафдан фойдаланиши мумкин эмас. Айни вақтда давлат хизматчиси, башарти бу моддий наф жамиятда умумий қабул қилинган доирадан четга чиқмаса, одатдаги хушмуомалалик ёки меҳмондўстликдан далолат берса, давлат хизматчисининг холислиги ва манфаатдор эмаслигига, ҳукуматнинг ҳалоллигига шубҳа уйғотмаса, уни қабул қилиши мумкин.

Давлат хизматчиси, ёрдам кўрсатиш унинг расмий вазифасига кирмаса, раҳбарият рухсатисиз бирон-бир шахс ёки ташкилотга ўз ёрдамини таклиф қилиши мумкин эмас. Агар давлат хизматчиси ва ваколатли мансабдор шахс Кодексга риоя этиш мақсадида кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан бир тўхтамга кела олмасалар, низо давлат хизматчиларининг шикоятларини кўриб чиқиш учун назарда тутилган тартибда ҳал қилинади.

Кодекс қоидаларини бажармаётган шахсларга нисбатан ишдан бўшатишга қадар бўлган интизомий жазолар қўлланилади.

Кодекснинг учинчи қисми давлат хизматчиси хизматни тарк этганидан кейин унга қўйиладиган талабларга бағишланган. Бу талабларнинг мақсади собиқ давлат хизматчисида ҳали хизматда бўлган даврда реал, потенциал ёки очиқ-ойдин «манфаатлар тўқнашуви» юзага келиш эҳтимолини мумкин қадар камайтиришдан иборат. Бунда унинг келажакда давлат хизматидан ташқарида ишга жойлашиши, хизматдан бўшаганидан сўнг яхшироқ мавқега ёки ҳукумат муассасасига нодавлат ташкилот номидан мурожаат этиш, давлат хизматчиси сифатида ўзига маълум бўлган ахборотга эгаликдан шахсий наф кўриш, давлат хизматини тарк этганидан сўнг иш қидиришда ўзининг олдинги лавозимидан асоссиз устунлик сифатида фойдаланиш имкониятига эга бўлиш назарда тутилади.

Собиқ давлат хизматчиси, башарти у давлат хизматчиси бўлган даврда мазкур иш юзасидан ҳукумат муассасаси номидан ёки маслаҳатчи сифатида иш кўрган бўлса, нодавлат ташкилотининг ҳар қандай шахси номидан тарафлардан бири ҳукумат муассасаси бўлган ҳар қандай тадбир, битим ёки музокараларда иштирок этиши қатъиян ман қилинади.

Собиқ давлат хизматчиси давлат хизматини тарк этганидан сўнг бир йил давомида ишдан бўшашидан олдин бир йил мобайнида давлат идораси номидан иш кўрган ташкилотга ишга жойлашиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши мумкин эмас. Шунингдек, собиқ давлат хизматчиси, башарти хизматдан бўшашдан олдин бир йил ичида у мазкур муассаса билан расман ҳамкорлик қилган бўлса, ҳар қандай ҳукумат муассасаси билан муносабатларда ҳар қандай шахс ёки ташкилот манфаатларини ифода этишга ҳақли эмас. Бундан ташқари, собиқ давлат хизматчиси ўзи илгари ишлаган ҳукумат муассасаси билан иш олиб бораётган бирон-бир ташкилотга тижорат мақсадида маслаҳат бериши мумкин эмас.

Кодекснинг тўртинчи қисмида айрим тоифадаги давлат хизматчиларини ишга қабул қилиш ва хизматдан бўшатиш тартиби ўрнатилган, шунингдек «манфаатлар тўқнашуви» ҳақидаги қоидаларга риоя этишда тарафларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари белгилаб қўйилган.

Иловада давлат хизматчилари ўз мол-мулкини жойлаштириши мумкин бўлган суғурта ва ишончли фойдаланиш жамғармаларининг рўйхати келтирилган. Бундай мол-мулкни тасарруф этиш масалалари «манфаатлар тўқнашуви» тўғрисидаги қоидалар билан тартибга солинади. Кодексда белгиланган қоидалар улар бузилган тақдирда қўлланиладиган интизомий таъсир чоралари билан мустаҳкамланган.

Франция, Германия, Буюк Британия, Италия, Япония ва АҚШ каби ривожланган мамлакатларда ҳам давлат хизматидаги мансабдор шахсларнинг коррупциялашуви тез-тез учраб туради. Мисол учун, 90-йилларнинг иккинчи ярмида Германияда 2 мингга яқин мансабдор шахсларга нисбатан порахўрлик ҳолатлари бўйича расман жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов қилинган.

АҚШнинг Оқ уй маъмурияти эса, доимий равишда сиёсий компаниялар учун ажратилган маблағлардан ноқонуний равишда фойдаланилганлиги ҳақидаги айбловлар билан курашиб келади.

Ҳар бир мамлакат, халқ “жиноят” ва “коррупция” каби тушунчаларни ўз дунёқараши, тафаккури ва менталитети даражасига кўра ҳар хил тасаввур қилади. Айрим мамлакатларда коррупция порахўрликнинг синоними ҳисобланади, айрим мамлакатларда эса у кенгроқ - давлат ҳокимияти ва ҳатто жамиятнинг маънавий инқирози сифатида талқин этилади. Сўзимизнинг исботи тариқасида бу масалани бир неча мамлакатлар мисолида кўриб чиқамиз ҳамда тегишли хулосалар чиқарамиз. Зотан, Президентимиз такрор-такрор таъкидлаганидек, “биз турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзига хос тараққиётини катта диққат-эътибор билан ўрганамиз, жаҳон амалиёти ва жаҳон тафаккурида тўпланган энг яхши тажрибаларни ўзимизда қўллашни ор билмаймиз, аксинча, бундай интилишни ҳар жиҳатдан рағбатлантирамиз”.

Бугунги кунда коррупция муаммосига жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатида дуч келиш мумкин. Аммо бу коррупция ҳаммаёқда бир хил деган маънони англатмайди. Коррупциянинг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда ҳар хил бўлиб, тарихий босқич ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Шу боис коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг универсал маъмурий-ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқиш деярли мумкин эмас.

6-мавзу.
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Айрим тадқиқотчилар коррупцияни ўзларича ғарб ва шарқ давлатларидаги коррупцияга (коррупциянинг ғарбча ва шарқча кўринишига) ажратишади. Бироқ, жаҳондаги мамлакатларни коррупциялашганлиги жиҳатдан шарқ ва ғарбга бўлиш ўзининг пухта асосларига эга эмас. Тарихий китоблар шундан далолат берадики, коррупция шарқ давлатларига ғарб колонизаторлари томонидан олиб келинади. Мисол учун, Индонезияга

коррупцияни Голландияга қарашли бўлган Шарқий Ҳиндистон компанияси мансабдор шахслари орқали кириб келганлиги гапирилса, Филиппин испан колонизаторлари томонидан, Ҳиндистон Британия маъмурияти томонидан коррупция билан зарарланганлиги тадқиқотчилар томонидан қайд этилади. Филиппин ва Бангладешда ҳарбий коррупциялашган режимга қарши исён кўтарилганлиги ҳодисаси коррупцияни Шарқ маданий анъаналари бир қисми, деган фикрларни инкор этади.

Хитой Жиноят кодексига кўра, коррупция дейилганда, ўзлаштириш, босиб олиш, алдаш йўли билан ёки жамоат мулкини давлат хизматчилари томонидан бошқа ноқонуний усуллар билан хизмат мавқеидан фойдаланиб олиши тушунилади. Хитой қонунчилиги коррупция жиноятлари учун айбдорларга ўлим жазосидек энг оғир жазони назарда тутади.

Коррупцияга қарши кураш сиёсати

1979 йилдан эътиборан Хитойда 1 млн. мансабдор шахс коррупцион жиноятлар содир этгани учун жиноий жавобгарликга тортилган.

Хитой рахбарияти томонидан 2012 йилдан амалга оширилаётган коррупцияга қарши кураш доирасида коррупцион жиноятлар содир этган 13 000 (!) мансабдор шахс қатл этилган.

2018 йилда коррупцион жиноят содир этган 160 000 давлат идораларидаги мансабдор шахс жавобгарликга тортилган.

«Осмон тўри» дастури

ХХРда 2014-2016 йиларда амалга оширилган «Осмон тўри» дастури доирасида 90 ошиқ давлатларда яшириниб юрган коррупцион жиноятлар содир этган 2566 мансабдор шахслар ва улар томонидан жиноий йўллар билан олиб чиқилган 8,6 млрд юан (1,25 млрд долл.) Хитойга қайтарилган ва жиноятчилар жазоланган.

Японияда мансабдор шахслар ва сиёсий раҳбарлар коррупцияси жамоатчилик томонидан қаттиқ танқид остига олинади. 1997 йилда йирик компаниялар фаолияти билан боғлиқ айрим коррупциявий операциялар ошкор бўла бошлагандан сўнг, мамлакатдаги бошқарувчи Либерал-демократик партия молиявий фаолият амалга оширилиши тартибини бузувчиларга нисбатан чораларни кучайтириш, баъзи бир қилмишларни криминализация қилиш, яъни Жиноят қонунида жазо белгилаш таклифларини киритишди. Япония ҳукумати узоқ иккиланишлардан сўнг хорижий мансабдор шахслар ва сиёсатчиларни сотиб олиш билан фаолият юритувчи компанияларга қарши қаратилган халқаро шартнома тузиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлай бошлади.

Японияда 1993 йилда мафия раҳбарларидан бири Канэмарунинг ҳибсга олиниши билан шу нарса маълум бўлдики, у бош вазир бўлган Набору Такэсита, Тосики Кайфу, Киити Миядзавалар билан алоқада бўлган, ҳатто уларга ўз манфаатларини кўзлаб таъсир ўтказа олган. 1994 йилда Япония бош вазири Морихиро Хосокава молиявий қонунбузарликларда айбланиб истеъфога чиқарилган эди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида япон тадқиқотчилари коррупциявий жиноятчиликни камайтиришда: ҳокимият тузилмалари фаолияти тўғрисида маълумотларни ошкоралаштириш, мансабдор шахсларни назорат қилиш учун марказий ва маҳаллий миқёсда мустақил омбудсман институтини жорий этиш, шу турдаги жиноятларга қаттиқ жазо тайинлаш (депутатликка сайланишдан маҳрум қилиш, умрбод юқори лавозимга кўтарилишдан маҳрум қилиш, сайлов гуруҳидаги шунга алоқадоркишиларни жазолаш), сайлов кампанияларини молиялашни тўла давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширишни таклиф этган эдилар.

Японияда коррупцияга қарши курашиш билан бирга, нотўғри(туҳматдан) пора олиш ҳақида хабар бериш ҳам, пора олувчиларга нисбатан белгиланган жазога – уч йил муддатга каторга жазоси ёки жарима жазосига тортилиши мумкин. Жиноят қонунчилигида амалга оширилган ислоҳотлар орқали бир қатор мансабдорлик жиноятларига бериладиган жазолар оғирлаштирилди. Масалан, давлат ва жамоат арбобларининг мансабдорлик ваколатлари билан ҳокимиятни суиистеъмол қилишига 2 йилгача каторга ёки турма қамоғи жазоси белгиланди.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигига салбий таъсир этаётган ушбу омилларни бартараф этишни хорижий давлатларда давлат хизматининг ташкил этилиши ҳолатини ўрганган ҳолда ташкил этишимиз мумкин. Жумладан:

Ривожланган мамлакатларда иш ҳақини ташкил этиш (иш хақи миқдори, меҳнат миқдори ва сифати билан унга тўланадиган ҳақ миқдори ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш, меҳнатни меъёрлаш, таъриф тизими ва бошқалар) ватартибга солишда давлат муҳим рол ўйнайди.

Японияда давлат хизматчилари бажараётган иши характеридан келиб чиқиб икки асосий гуруҳга бўлинади:

а) “оддий хизмат” да ишловчилар;

б) “алоҳида хизмат”да ишловчилар;

“Оддий хизмат”да ишловчилар – бу мансабдорларнинг асосий қисми бўлиб, 3 миллиондан ортиқни ташкил қилади.

Улар ишга лавозим имтиҳонларидан ўтганидан кейин олиниб, ойлик маошлари тегишли стандарт шкалалар асосидабелгиланади. Бу гуруҳга

кирувчилар қонун бўйича 7 категорияга бўлинади. Биринчи категорияга киривчилар, канцелярия ишлари билан шуғулланувчилар бўлиб, уларга профессионал билим ва маъмурий ишлари учун маош тайинланади. Айнан шу категория бошқадавлат хизматчиларидан кўра кўпроқ миқдорни ташкилқилади. Бошқа категорияларга полиция васолиқ хизматчилари, таълим, соғлиқни сақлаш, илмий-изланувчилик ишлари биланшуғулланувчилар киради.

Мансабдорларнинг хизмат ҳолати уларнинг эгаллаб турган лавозимларига мос келувчиранга, иш стажига ва бошқа жиҳатларга қараб аниқланади. Лавозим ваколатлари қатъий белгиланган шкалалар асосида белгиланган иш хақи ҳажмига боғлиқ.

Бушкалага мувофиқ барча мансабдорлар (биринчи категорияга кирувчи“оддий хизмат”даги давлат хизматчилари) саккиз рангга бўлинади. Ҳар бир ранг ўзи 15 разрядга бўлинади. Ҳар бир мансабдорнинг ранги давлат аппаратидаги эгаллаб турган лавозимига, унинг разряди – иш стажига, маълумотига, хизмат характеристикасига ва бошқаларга боғлиқ. Мансабдорлик иерархияси бўйича олий ранг бу биринчи, разряд бўйича бўлса биринчи разряд энг кам иш хақи тўланадиган разряддир. Лавозим окладлариданташқари, давлат хизматчилари турли устамалар оладилар: мукофот, уй хўжалигини сақлаб туриш бўйича қўшимча тўлов, иш вақтидан ташқаривақтда ишлаганиучун, дамолишкунлари ишлагани учун, “тармоққа оид” устама ва бошқалар. Японияда олий маълумотга эга бўлиш мансабдоргахизмат пиллапояларидан кўтарилиши учун бир қатор афзалликлар беради.

Агар шахс ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлса 8-рангнинг 2-разрядига, университет маълумотига эга бўлса, дарҳол 7-рангнинг 1-разрядига ишга олинади. Кейинчалик ҳам университет битирувчилариниуu хизматда ўсишида имтиёз ва енгилликлар берилади.

Япония давлат хизматида аксарият кўпчилик ташкилот ва муассасаларда “бутун умрга ёллаш” махсус тизими амал қилади. Бу тизим ишловчини узоқ (пенсияга чиққунига қадар) муддатга битта ташкилотга ёллашни тақозо қилади. Унинг лавозими ва иш ҳақи ҳажми тўғридан тўғри танаффуссиз стажларнинг давомийлигига боғлиқ бўлади. Масалан, мансабдорнинг секция бошлиғи лавозимига ўтириши учун бошқа шартлар билан бир қаторда битта давлат идорасида 15–20 йил ишлаган бўлиши керак, департамент бошлиғи бўлиш учун эса 30 йил атрофида ишлаган бўлиши керак.

Иш ҳақи ҳар бир ишловчи ходимнинг биринчи даражада қизиқтирувчи омил бўлиб, республикамизда давлат хизматчисининг ойлик маошларини оширмасдан туриб, бу борада самарадорликка эришиш қийин деб, ўйлайман.

Ҳар бир давлат хизматчиси ўзининг маълумоти, иш стажи, тажрибаси, ишлаш даражасига қараб иш хақи олиши керак деб ўйлайман. Бунинг учун Япония тажрибаси бўйича давлат хизматчилари имтиҳон асосида ишга олиниб, хизматчилар даражасига қараб ранг ва разрядлар берилиши мақсадга мувофиқ. Японияда яна бир тажриба борки, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолаш натижаларига қараб, ушбу ҳудуднинг бошқарув органлари хизматчилари моддий рағбатлантирилади ёки жарима қилинади.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларига, республика бюджетидан ташқари, маҳаллий бюджетнинг харажатларидан ортиб қолган даромад қисмига қараб, ҳудуддаги бошқарув органлари, айниқса маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хизматчиларининг моддий рағбатини кучайтиришга сарфлаш ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, турмуш даражасининг ошишига олиб келиши мумкин.

7-мавзу
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БОРАСИДА СИНГАПУР ТАЖРИБАСИ

Сингапур — коррупцияга қарши самарали кураш олиб бораётган ва Осиёдаги энг илғор коррупциялашмаган давлат ҳисобланади. Давлатларнинг коррупциялашганлигини мониторинг қилиб борувчи халқаро ташкилотларнинг ҳисоботига кўра, Сингапур дунёдаги коррупция даражаси паст бўлган етакчи мамлакатлардан бири, Осиё мамлакатлари ичида эса биринчи ўринда туради.

Сингапурнинг собиқ бош вазири Ли Куан Ю (1959-1990) раҳбарлик қилган даврда мамлакатда коррупцияга қарши кураш фаолияти жиддий тус олди. Бу мамлакат тараққиёти билан қизиққан кўпчилик хорижлик мутахассислар Сингапурнинг бундай суръатда ва тартибли тараққиётга эришишида коррупцияга қарши изчил ва қатъий сиёсат олиб борганлиги асосий омиллардан бири бўлганлигини таъкидлашади. Ҳукмрон партия 1959 йилда ҳокимият тепасига келганда аниқ принципларга асосланган коррупцияга қарши кураш дастурини амалга оширишга киришган эди. Жаноб Ли “қачонки ҳокимият халқ ишончини оқлаш учун ¬эмас, шахсий бойлик орттириш мақсадида фаолият юрита бошласа, бу ахлоқ муаммоси ҳисобланади.

Узоқ вақт мавжуд бўлишини истаган жамият ҳалоллик принципига амал қилиши лозим, акс ҳолда жамият яшай олмайди. Коррупцияни тўхтатиб қолишнинг энг осон усули мансабдор шахсларнинг ўз билганларича ҳаракат қилишлари имкониятларини ка¬майтиришда", деган эди.

Сингапурнинг коррупцияга қарши сиёсати бу миллий қадриятларга амал қилишдан кўра кўпроқ зарурият туфайли амалга оширилди. Сингапур хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб қилиш учун уларни нотўғри мақсадларда фойдаланиши имкониятини йўққа чиқарди. Мамлакатда содир этилган айрим коррупция ҳодисалари рўй берганда унинг иштирокчилари тергов қилиниб, айбдорлар судланиб, жазога тортилган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, коррупцияга қарши кураш узлуксиз давом этмоқда. Сингапурда коррупцияга қарши курашга раҳбарлик бевосита сиёсий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади ва бу жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланади. Коррупцияга қарши курашга ихтисослашган орган Коррупция ҳодисаларини тергов қилиш Бюроси ҳисобланади. Бу мустақил орган коррупция билан боғлиқ ишларни тергов қилади ва Сингапур иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторида унинг олдини олиш чора-тадбирларини кўради.

Бюро 1952 йилда ташкил этилган, унинг ваколатлари Коррупциянинг олдини олиш тўғрисидаги Актда белгилаб қўйилган. Унинг раҳбари директор ҳисобланади ва бевосита Бош вазир олдида ҳисобдор саналади. Бу бирор бир вазирнинг унинг фаолиятига аралашишига, терговни тўхтатиш ва бошқача таъсир қилиш мумкин эмаслигига хизмат қилади. Бюрога давлат хизматида ҳалоллик ва сотилмаслик принципи амал қилиши, хусусий секторда коррупция аралашмаган битимлар тузилиши учун жавобгарлик юклатилган. Шунингдек, унинг вазифалари қаторига давлат мансабдор шахсларининг ўз вазифаларини суиистеъмол қилиш ҳолатларини текшириш ва шундай ҳолатлар аниқланганда тегишли органларга интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида маълумотлар бериш вазифалари ҳам киради. Бюро давлат органларининг коррупциялашиши сабабларини, коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган давлат хизматининг заиф томонларини ҳам ўрганади.

Сингапурда 1973 йил июл ойидан бошлаб махсус коррупцияга қарши кураш дастури амалга оширила бошланган. Дастурда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилган эди:

фуқаролар ва ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни турли хил сансалорликлар ва судрашларга йўл қўймаслик мақсадида такомиллаштириш;

юқори турувчи мансабдор шахсларнинг қуйи турувчи мансабдор шахслар устидан назоратни амалга оширишда ошкораликни таъминлаш;

барқарор коррупциявий боғланишларнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ротациясини киритиш;

тўсатдан текширишлар ўтказиш;

коррупцияга қарши курашда муҳим ҳисобланган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш; кор-рупцияга қарши кураш чоралари мажмуини ҳам 3-5 йилда қайта кўриб чиқиш.

Сингапурнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг бош ғояси - коррупциявий жиноят субъектларига коррупциявий ҳаракатларни содир этиш имконияти ва манфаат яратувчи ҳолатлар ҳамда шароитларни бартараф қилиш ҳисобланади. Бу борада давлат хизматларидан фойдаланувчи жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мансабдор шахслари билан юзма-юз мулоқотга киришмаслик принципига таянилади. Бу борада Сингапур нафақат Осиё, балки кўплаб ғарб давлатларига ўрнак бўлиб келмоқда. Сингапурда оддий фирмани давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб, то экспорт операцияларини амалга ошириш учун талаб этиладиган тегишли расмиятчиликлар фақат электрон тарзда амалга оширилади. Давлатнинг хусусий сектор фаолиятига аралашуви минимал даражага етказилган.

Сингапур дипломатларидан Марк Хонг ўз мамлакатидаги коррупцияга қарши кураш қуйидаги принципларга асосланишини таъкидлаган эди.

Биринчидан, коррупцияга қарши кураш чоралари ҳам пора олувчи, ҳам пора берувчи томонга нисбатан қўлланиши керак.

Иккинчидан, жавобгарлик принципига қатъий амал қилиш. Коррупционер маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш тартибида жазоланиши лозим. Жамоатчилик иззаси эса бу жазонинг ажралмас қисми саналади.

Учинчидан, давлат мажбуриятлари ва шахсий манфаатлар ўртасида аниқ чегара белгиланиши керак.

Тўртинчидан, қонун устуворлиги мустаҳкамланиши зарур. Бу коррупция ҳодисасини тергов қилаётган Бюро ва суднинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида таъминланади. Жамоатчилик Бюро самарали ва юридик томондан қонуний ҳаракат қилаётганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Бешинчидан, коррупция тушунарли ва аниқ қарорлар қабул қилиш ва иш юритишни ўрнатиш йўли билан максимал даражада истисно этилиши лозим.

Жамоатчилик ҳукумат қарорларига пора бериш билан таъсир қилиши мумкин эмаслигини англаб етса, коррупция ҳам камаяди.

Олтинчидан, раҳбарлар (лидерлар) коррупцияга қарши курашда ўзларининг ахлоқий жиҳатдан юқори даражада ўзини тутиши билан шахсий намуна бўлиши зарур.

Еттинчидан, мансаб лавозимларига тайинланишда номзоднинг қариндошлик алоқалари ёки сиёсий ҳомийлик эмас, балки шахсий ва профессионал хизматлари асосий омил бўлиши кафолатланган бўлиши. Оилавий ва қариндошлик алоқаларидан фойдаланиш давлат хизматига, унинг самарадорлиги ва беғаразлигига бўлган ишончга путур етказади.

Саккизинчидан, жаноб Ли таъкидлаганидек, сотилмаслик принципининг таъминланиши ва номига доғ туширган мансабдор шахсларни ишдан бўшатиш — асосий қоида ҳисобланади.

Коррупция ҳодисалари ва унинг оқибатлари, унга берилган жазоларни оммага етказишда матбуот муҳим роль ўйнайди. Бу давлат хизматига ¬ишонч ва ҳалоллик муҳити барпо этилишига, шунингдек, коррупцияга жазо муқаррарлиги принципи мустаҳкамланишига хизмат қилади. Коррупцияга қарши кураш жамият, давлат хизмати ва сиёсий раҳбарларнинг қадриятлар тизимига боғлиқ.

Тўққизинчидан, давлат хизматчиларига муносиб маош тўланиши. Мамлакатда вазирлар ва юқори лавозимли мансабдор шахсларга хусусий секторда муваффақиятли фаолият юритувчи шахслар (банкирлар, адвокатлар)нинг ўртача ойлик иш ҳақига боғлиқ формулага мувофиқ маош тўланади.

Ўнинчидан, ўз ишига садоқат ва ҳалоллик принципи асосида фаолият кўрсатувчи, самарали коррупцияга қарши кураш органини тузиш ва коррупция тўғрисида маълумот берувчи хабарчиларни ҳимоя қилиш.

Ўн биринчидан, имзо қўйиладиган ҳужжатлар миқдорини камайтириш. Бу коррупция рўй бериши имкониятларини озайтиради.

Ўн иккинчидан, қонунлардан мансабдор шахсларнинг даромадлари манбаларини аниқлашга татбиқ этиладиган даражада фойдаланиш. Агар улар қўшимча молиявий воситалар қаердан келганлигини тушунтириб бера олмасалар, унинг манбаи коррупция деб қабул қилиниши мумкин.

Сингапурда ҳар йили давлат хизматчиларидан уларнинг мулки, активлари ва қарзларини декларация қилиш учун махсус шаклдаги бланкани тўлдириш талаб қилинади. Вазирлар ва давлат хизматчиларига етарли маош бериш, коррупциялашган шахсларни жазолаш, коррупцияга қарши кураш идорасининг самарали фаолият юритиши, юқори лавозимдаги мансабдорларнинг шахсий намуна бўлиши Сингапурда коррупцияга қарши курашнинг омиллари саналади.

Собиқ бош вазир Ли Куан Ю ўзининг китобида, биз жамоатчилик ҳукуматдаги коррупцияни жамиятга таҳдид сифатида қабул қилишига эришдик, деб ёзади. Сингапур Ҳукумати сайловларда номзодлар томонидан сайловчилар турли хил йўллар билан сотиб олинмаслигига жиддий эътибор

беради. Ли Куан Ю ўзининг “Сингапур тарихи: учинчи дунёдан — биринчига (1965-2000)” асарида “Сингапур Ҳукумати сайловларда фақат ҳалол ва қобилиятли одамлар иштирок этиши ва расмий лавозимларни эгаллашига қизиқиш билдиргандагина тоза ва ҳалол бўлиб қолиши мумкин. Бунинг учун давлат хизматчиларига уларга тенг қобилият ва ҳалоллик фазилатларига эга бўлган шахслар йирик корпорация бошқарувчиси, юридик ёки профессионал фаолият юритиб қанча даромад топса, шунча маош тўлаш лозим. Кам иш ҳақи оладиган вазирлар ва давлат хизматчилари Осиёнинг бир қатор ҳукуматларини барбод бўлишига олиб келди. Етарли даражада иш ҳақи тўлаш сиёсий раҳбарлар ва юқори мансабдор шахсларда ҳалоллик ва ахлоқни қўллаб-қуватлаб туриш учун ҳаётий муҳимдир”.

Сингапурда ҳукумат жуда тез иқтисодий ўсиш суръатида вазирлар ва давлат хизматчиларининг маошлари хусусий секторда улар даражасидаги раҳбарлар қанча маош олишса шунга тенг бўлишига доимо эътибор бериб келган. Бу инсонлар Сингапур иқтисодиётини бошқариб кейинги икки ўн йилликда ўртача 8-9 фоиз ўсишини таъминлаб берди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Сингапур 1995 йилда ялпи миллий маҳсулотнинг аҳоли жонбошига нисбатан дунёда тўққизинчи ўринни эгаллашига эришди.

Ҳозирги даврда давлатларнинг ҳақиқий тараққиётга эришишга қаратилган ислоҳотлар жараёнининг муваффақиятли кечиши бу давлатларнинг коррупцияга жиддий ва самарали қарши кураша олаётганликлари билан боғлиқ -эканлигини кўрсатмоқда. Ҳар йили мамлакатларнинг коррупциялашганлиги даражасини тадқиқ этиб борадиган Transparency International (TI) ташкилоти эълон қиладиган рейтингда ҳам коррупциялашмаганлиги жиҳатдан олдинги ўринда турадиган давлатлар ривожланиш ва демократик жараёнлар бардавом кетаётган давлатлар ҳисобланади.

Умуман дунёдаги глобал ўзгаришлар ривожланаётган давлатларнинг барчасидан ўз мақсадларига эришиш учун коррупцияга қарши муваффақиятли кураш олиб боришлари зарурлигини талаб қилмоқда. Коррупцияга қарши кураш айни пайтда бу мамлакатлар учун миллий озодлик ва мустақилликни мустаҳкамлаб қолишлари учун ҳам зарур. Чунки сир эмаски, кейинги пайтларда айрим хорижий давлатларда рўй берган “инқилоблар”, ҳокимият тўнтаришларида ҳам коррупция феномени муҳим ўрин тутди.

Коррупциянинг бундай нолегитим тарзда ҳокимиятни қўлга киритишлар билан алоқадорлиги икки томонлама бўлиб, биринчидан, амалдаги ҳокимиятнинг коррупциялашганлиги натижасида халқнинг норизолигини келтириб чиқаришида бўлса, иккинчидан, ҳокимиятни қўлга киритган кучларнинг ҳам коррупциядан фойдаланганлигидадир.

Интернетда тарқатилаётган маълумотларни таҳлил қилиш “инқилоб”лар бу мамлакатда ўз манфаатларига хизмат қилувчи кучларни ҳокимият тепасига олиб келишни мақсад қилиб қўйган айрим йирик ривожланган хорижий давлатларнинг махсус хизматлари томонидан коррупция воситасида уюштирилди. Уларнинг оппозиция тарафдорларига берган маблағлари ва бошқа хил ёрдамлари, булар одатда асосан амалдаги ҳокимиятга босим ўтказиш, ахборот хуружлари уюштириш, юқори лавозимли шахларнинг сотиб олишлари бундай нолегитим тарзда ҳокимиятни қўлга киритишлар рўй беришининг асосий сабаби бўлди, дейишимиз мумкин.

Сингапур давлатидаги давлат хизматининг ташкил этилиши тўғрисида гапирадиган бўлсак, Сингапурдаги давлат хизмати Осиёдаги энг самарали давлат хизматларидан биридир. Сингапур давлатида 1959 йилда қабул қилинган Конституцияси 9-қисмининг 102-119-моддаларда давлат хизматининг ҳуқуқий мақоми ёритилган. Сингапур давлатидаги давлат кафолатларига эътибор берадиган бўлсак, хизмат бўйича юқори поғонага фақат инсоннинг салоҳияти асосида кўтариш механизми яхши шакллантирилган. Бундай хизмат фаолияти замонавий моддий-техник таъминот билан, раҳбар кадрларнинг интизомга қатъий риоя этиш ва меҳнатсевар бўлишлари учун кучли мотивацияланганлиги, давлат хизматнинг тўғри ташкил этилиши билан уларнинг мукаммалликка, ғайратли, ташаббускор ва доимий инновацияларга интилишлари учун яхши замин яратиб бериш орқали эришилган. Давлат хизматчилари ҳар йилда 100 соат ўқиб, малака оширишга мажбурдирлар.

Сингапур давлат хизматчиларига иш ҳақини ҳисоблаб чиқишда бозор усуллари қўлланиладиган мамлакатлардан биридир. Шунинг учун иш ҳақининг ҳажми ҳам анчагина катта. 1985 йили аппаратни таъминлаш харажатларини оқлаш тўғрисида парламент олдида ҳисоб берган бош вазир “Мен энг юқори маош тўланадиган, ва эҳтимол, учинчи дунё мамлакатлари бош вазирларининг энг қашшоқларидан бири бўлсам керак. Бу масалани ҳал қилишнинг турлича йўллари мавжуд. Мен ҳалол, ошкора, ўзини оқлайдиган ҳамда амалга оширилиши мумкин бўлган бозор иқтисодиёти доираларидаги ўз йўлимизни таклиф этаман. Агар сиз бу йўлдан кўра риёкорликни афзал кўрсангиз, иккиюзламачилик ва коррупцияга дуч келасиз. Қайси бирини танлаш сизнинг ишингиз” деган эди. Бу дастурнинг таклиф этилиши оқибатида давлат хизматчиларининг маоши кескин кўтарилди, бу эса ушбу давлатда коррупция даражасининг пасайишига эришилган. Ҳозирги кунда юқори лавозимдаги давлат хизматчиларининг иш ҳақи тадбиркорликдаги ўртача иш ҳақига боғлиқ ҳолда ҳисоблаб чиқилади ва уларнинг 1 ойлик иш хақлари 20 000–25 000 долларни ташкил этади.

Гонгконг – Хитой Халқ Республикасининг ихтисослаштирилган маъмурий ҳудуди бўлиб, 1997 йилга қадар Буюк Британия мустамлака (колонния)си саналган. XX аср ўрталарида Гонгконг коррупция "ботқоғига ботиб қолган" (давлат ҳокимияти органлари 94% коррупциялашган) эди. Ҳокимият тепасига губернатор сифатида Мюррей Маклехоуз (Буюк Британия мустамлакаси даври 1971-1982 й.) келгач, давлат аппарати тубдан ислоҳ қилина бошлади ва қуйидаги амалий чоралар кўрилди:

– 1974 йили М.Мюррей мустақил ҳеч қайси давлат органига бўйсунмайдиган Коррупцияга қарши кураш бўйича Комиссияни тузди. Комиссия жуда кенг ваколатларга эга бўлиб, улар коррупцияда гумон қилиб исталган давлат органи ёки ташкилотида текширув ўтказа олар эди.

– Мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларига нисбатан айбсизлик презумпцияси, яъни, жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда кўриб чиқилиб, унинг айбдорлиги тўғрисидаги суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунича у айбсиз ҳисобланиши ҳақидаги тамойил бекор қилинди ҳамда унинг ўрнига "Мол-мулкингни пора эвазига орттирмаганингни исботла!" деган тамойил ўрнатилди. Агар мансабдор шахс ёки давлат хизматчиси сотиб олган машинаси, уйи ёки ҳориждаги банк ҳисоб рақамини қонуний очганини исботлаб бера олмаса сўзсиз узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиларди. Комиссия фаолияти биринчи йилининг ўзидаёқ 220 нафар амалдор порахўрлик жиноятлари субъектлари сифатида судланишган;

– Қоррупцияга қарши кураш бўйича Комиссия фаолияти устидан зиёлилар ва тадбиркорлардан иборат жамоатчилик назоратини амалга оширувчи ташкилотлар кузатиши белгиланди ва Комиссиянинг ўз вазифасини виждодан бажармаётган ҳар қандай ходими ишдан бўшатилар эди;

– Полиция тизимини тозалаш бошланди. Биринчилардан бўлиб Гонгконг полиция бошлиғи пора олгани учун қамоққа олинди;

– Маҳаллий ОАВ томонидан эркин тарзда коррупция билан боғлиқ ҳар қандай янгиликларни эълон қилиш ва журналистик суриштирувлар олиб бориш фаолияти тўлиқ равишда таъминланди. Журналистлар мансабдор шахслар ва уларнинг оила аъзолари амалга ошираётган ҳар қандай шубҳали иқтисодий фаолият юзасидан мустақил суриштирув ўтказишар, ўз навбатида, Комиссия ОАВнинг бу каби эълонларига дарҳол муносабат билдирар эди.

Амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида Гонгконгда коррупция даражаси кескин пасайди, бугунги кунда у Хитойнинг иқтисоди ривожланган энг яхши ҳудудларидан бири саналади (2018 йилда "Transparency International" ташкилотининг рўйхатида 14 ўринда қайд этилиб, 100 баллик баҳолаш тизимида 76 баллга лойиқ кўрилган).

8-мавзу
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БОРАСИДА ПОСТСОВЕТ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Эстония – коррупция даражаси кам бўлган Шарқий Европада жойлашган Болтиқ денгизи бўйидаги мамлакатлардан бири. Лекин, XX аср 90-йиллар бошларида бу ерда уюшган жиноятчилик, рэкет ва коррупция ҳукмронлик қилар эди. СССРдан мустақил бўлиб чиққач, 1991 йилдан бошлаб бутун Эстония ҳукумати мамлакатда авж олган тизимсизлик ва бошбошдоқликни бартараф этиш учун қуйидаги таъсирчан чораларни қўллади:

– Электрон ҳукуматнинг инновацион модели яратилди ва муваффақиятли жорий этилди. Бу ўз навбатида, мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳамда корхона, муассаса, ташкилотлар билан ўзаро муносабатларида шахсий истакларнинг келтириб чиқаришига чек қўйган. Хусусан, 2000 йилда Эстония маъмурий-бошқарув мажлисларнинг қоғозсиз шаклини амалга киритиб, ҳужжатларнинг электрон шаклини интернет ёрдамида расмийлаштириш амалиётига ўтди;

– 2002 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида порахўрлик ва мансабдорлик билан боғлиқ жиноятларга жазо кучайтирилиб, судланувчиларга озодликдан маҳрум этиш жазосидан ташқари мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги қўшимча жазо қўлланила бошланди.

– 2013 йилда Вазирлар Маҳкамасининг Антикоррупциявий Комиссияси ташкил этилди ҳамда бу комиссиянинг мақсади “Одил давлат ва назорат” стратегиясини ишлаб чиқиш этиб белгиланди;

– Ҳар йили мамлакатнинг барча тузилмалари раҳбарлари ўзларининг мол-мулклари тўғрисидаги ҳисобот (декларация)ни интернет тармоғи орқали кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этади;

– Коррупцияга доир қонунчилик такомиллаштирилди, жумладан, 2010 йилда Эстония БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилди, 2012 йилда бўлса, Коррупцияга қарши кураш ва Давлат хизмати тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Гуржистон қисқа вақт ичида турли соҳаларда бундай кенг кўламли ва чуқур ислоҳотларни амалга ошира олган оз сонли давлатлардан бирига айланди.

Гуржистоннинг га қарши курашиш ишлари икки асосий йўналишда - кўплаб иқтисодий соҳаларда ҳукуматни бошқаришни рад этиш ва давлат аппаратининг тубдан янгиланишига қаратилди.

2004 йил 4 январда Гуржистонда коррупцияга қарши кураш ислоҳоти даври бошланди. Ислоҳотларнинг идеологи - муваффақиятли бизнесмен Каха Бендукидзе бщлган.

Тезкорлик билан тўғридан-тўғри коррупцияга қарши кураш қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналиши, хусусан, учун жиноий жавобгарликни жорий етиш - Гуржистон қонунчилигига биноан пора беришга 7 йилгача қамоқ жазоси берилиши керак.

2004 йил 24 июнда "Уюшган жиноятчилик ва рекетчилик тўғрисида"ги қизиқарли қонун қабул қилинди. “Қонундаги ўғри” муайян жиноятлар учун эмас, балки жиноий гуруҳ аъзоси бўлганлиги учун судланиши мумкинлиги жорий этилди.

У мол-мулкни мусодара қилиш ва жиноятлардан олинган даромадларни лэгаллаштириш билан топилган мулкни қонунийлигини исботлай олмаган тақдирда, фақатгина унга эмас, балки унинг оила аъзоларига ҳам 3 йилдан 8 йилгача муддатга ҳукм ўқилиши мумкин эди.

Бироқ, даражасини билвосита қисқартиришга қаратилган ташаббуслар бундан ҳам қизиқроқ. Янги ҳукумат, давлатнинг қийинчиликларга дуч келадиган ортиқча функциялардан халос бўлиши керак, деб ҳисоблайди. 2004 йил 11 февралда маъқулланган ижро этувчи ислоҳотлар лойиҳаси максимал тартибга солиш яъни “энг кам давлат таъсири” тамойили жорий этилган.

Бу принцип, бошқа нарсалар қаторида, давлат аппаратини кескин қисқартиришни назарда тутган. Грузиянинг давлат секторида га қарши кураш тажрибаси ноёб ва муваффақиятли бўлиб, унинг кўпгина жиҳатлари ўхшаш муаммоларга дуч келадиган мамлакатларга мослаштирилиши ва қўлланиши мумкин.

Стратегик ҳужжатлар ва низомларни ишлаб чиқиш учун асос қилиб АҚШ, Италия, Янги Зеландия ва Британиянинг га қарши курашиш тажрибаси шунингдек Жаҳон банки, ХВФ ва USAID сингари халқаро ташкилотлар маслаҳатчилари ва экспертлари таклиф этилган.

Гуржистоннинг коррупцияга қарши кураш моделининг ўзига ҳос хусусияти шундаки, га қарши кураш бўйича махсус мустақил тузилмани, шунингдек, га қарши кураш сиёсатини ишлаб чиқиш учун алоҳида органни амалга оширадиган давлат органи мавжуд эмас. Гуржистоннинг коррупцияга қарши кураш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш учун яратилган Коррупцияга қарши кураш кенгаши ҳам (кейинги ўринларда – ККК) юқорида кўрсатилган функцияларни бажармайди.

2010 йилда ККК тўғрисидаги қоидалар «Давлат хизмати ва манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонунга киритилди. 2013 йилги президентлик сайловларидан сўнг ККК ҳукумати жавобгарликка тортилди. Аляснинг

аъзолари 2013 йилда ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган ва 2014 йилда қайта кўриб чиқилган.

Янги ҳукумат тузилмаларини, фуқаролик жамияти, халқаро ташкилотлар ва бизнес сектори вакилларини жалб қилиш учун КҚКнинг таркиби бир неча марта кенгайтирилди. Айни пайтда КҚК 48 аъзодан иборат бўлиб, улардан 17 нафари нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, донорлар ва бизнес ҳамжамият вакиллари.

КҚКга аъзолик фуқаролик жамиятининг барча субъектлари учун очиқ ва унинг таркибига кириш учун фаолият доирасини ва аъзоларни қўшилиш сабабларини кўрсатувчи расмий мактубни тақдим этиш кифоя; бундай талаблар ҳеч қачон рад этилмади. КҚКнинг ҳар бир аъзоси алоқа ва доимий ахборот алмашинуви учун алоқадор шахсларни танлайди.

КҚКнинг асосий вазифалари: коррупцияга қарши кураш стратегияси ва ҳаракат режасини ишлаб чиқиш, уларни қайта кўриб чиқиш ва мониторинг қилиш; стратегия ва ҳаракат режасини ишлаб чиқиш жараёнида тегишли чораларни амалга оширишга ёрдам берадиган идоралараро фаолиятни мувофиқлаштириш; халқаро ташкилотлар тавсияларини бажарилишини таъминлаш, уларни амалга ошириш бўйича миллий ҳисобот тайёрлаш. Нодавлат ташкилотлари КҚК ваколатлари жуда чекланган деб ҳисоблашади, чунки ҳокимиятнинг юқори қатламларида ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш масалаларида га оид ишлар билан шуғулланиш тақиқланади.

КҚК мустақил муассаса эмас, балки учта давлат идоралари, мустақил институтлар, нодавлат ва халқаро ташкилотлар ва бизнес сектори вакилларидан ташкил топган мувофиқлаштириш механизми. КҚКнинг ваколатлари мувофиқлаштириш билан чекланган. КҚКнинг қарорлар ва тавсиялари, фақат ихтиёрий равишда амалга оширган аъзолари учун мажбурийдир. Ўтмишда КҚК аъзолари КҚК қарорлари ёки тавсияларига амал қилмасликлари ҳолати мавжуд эмас; Бироқ, мисол учун, Давлат Аудит идораси КҚКнинг сўнгги сессиясида иштирок этишдан бош тортди.

КҚК мутахассис даражасида ва бир неча кичик гуруҳларда га қарши ишчи гуруҳнинг ёрдами билан иш олиб боради. Уларнинг мажбуриятлари ишчи гуруҳ аъзоларининг ихтисослашувига қараб нинг олдини олиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Кенгашнинг ўз штати ёки бюджети йўқ, ва аъзолари исталган вақтда ҳукумат томонидан чақиртирилиши мумкин. КҚК котибиятининг роли Грузия Адлия вазирлигининг таҳлилий бўлими томонидан амалга оширилади, унда фақат 16 киши ишлайди ва Кенгашни Адлия вазири бошқаради.

Гуржистонда Бош прокуратура бўйича ишларни 2015 йилдан буён ўрганиб чиқмоқда. Давлат хавфсизлиги хизмати (собиқ Ички ишлар

вазирлигининг бир қисми) миллий хавфсизликни, га қарши кураш ва терроризмга қарши курашни таъминлаш билан шуғулланади.

Грузия коррупцияга қарши курашишнинг иккинчи муҳим жиҳати шундаки, коррупцияга қарши кураш фақат муайян органларнинг фаолияти соҳаси бўлиши мумкин эмас, барча давлат органлари га қарши курашда иштирок этган. Ҳар бир вазир ўз хизматида коррупцияга қарши кураш учун алоҳида жавоб беради.

Гуржистоннинг коррупцияга қарши кураш сиёсати га Коррупцияга қарши кураш стратегияси, Жиноий тадбирлар режаси ва Грузия Жиноят Кодекси асосида амалга оширилади.

Стратегия олтита устувор йўналишга қаратилган: самарали ва коррупциясиз давлат сектори; рақобат ва коррупциясиз хусусий сектор; адлия тизимини такомиллаштириш; коррупцияга қарши кураш қонунчиликни такомиллаштириш; коррупцияни олдини олиш ва сиёсий партияларни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш.

Гуржистоннинг Жиноят кодексида коррупцияга алоқадор асосий жиноятлар, жумладан, давлат органларининг мансабдор шахсларини фаол ва пассив порахўрлик, расмий ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, "нопок" пулларни ювиш, хусусий секторда кабилар мавжуд.

Гуржистонда ислоҳотларнинг асосий натижалари:

1. Барча давлат хизматлари учун “ягона ойна тамойили”ни яратиш. Яъни, ҳужжатларни олиш, никоҳ тузиш ва тарқатиш, компанияни очиш ва ҳ.к. бир жойда амалга оширилиши мумкин - Адлия уйи. Бундай муассасаларда 300 га яқин турли хизматлар бир бутунга тўпланади ва фуқаролар бошқа давлат тузилмалари зиммасида боғланмайди. Адлия мажлисида 15 дақиқада сиз боланинг туғилишини рўйхатга олишдан ва чет элликлар учун виза билан, яшаш учун рухсатнома ёки ерда ҳаракат қилиш билан бошланган ҳар қандай ҳужжатни олишингиз мумкин. Бунинг учун Адлия вазирлигининг сайтида рўйхатдан ўтишингиз керак.

2. Ички ишлар вазирлиги ислоҳотлари. 2004 йилда ислоҳотлар бошланганидан буён полиция ва йўл инспекторлари ходимлари 85 фоизга янгиланган ва бир неча бор қисқартирилган. Гуржистонда ҳуқуқ-тартибот идоралари анъанавий равишда энг ли ташкилотлардан бири саналади. Бундан ташқари, бундан олдин Ички ишлар вазирлигининг тизими одатдаги милиционер дан қочиб қутула олмаган, чунки йиғилган пораларни занжирнинг юқорига ва пастига ўтказиш керак эди. Шунинг учун Ички ичлар вазирлигининг таркибига ички назорат тизими киритилди - умумий инспекция, у порахўрликнинг ички текшируви билан шуғулланади.

3. Ўзгаришлар ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш тартибига таъсир кўрсатди. Гуржистонда тиббий кўрик бекор қилинди: шифокорларнинг барча ташрифлари қайд этилган умумий базадир. Текширув ҳам мавжуд эмас - улар ушбу амалиётлар автомобил эгалари учун эмас, балки пора олиш учун фойдали эканлигига қарор қилишди. Имтиҳонларни топшириш ва фақатгина 35 АҚШ доллари миқдорида ҳақ олиш ҳуқуқларини олиш мумкин. Ушбу тартиб-таомиллар Ички ишлар вазирлигининг кунлик 24 соат, дам олиш ва дам олиш кунлари бўлмаган хизмат кўрсатувчи агентлик томонидан кўриб чиқилади. Автомобилни рўйхатдан ўтказиш тартиби 15 дақиқани олади, шу жумладан, у ерда ҳар бир банкнинг вакили томонидан тақдим этилган рақам ва танлов учун 40 доллар тўланади.

4. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим жиҳати - Гуржистон ҳукумати мансабдор шахсларнинг маошларини оширишни ҳисобга олади, чунки бу ходимнинг мотивацияси билан тўғидан-тўғри боғлиқ жойи бор. Ислоҳот йилларида полиция ва ундан кейин барча давлат аппаратида иш ҳақи 15-40 баробар ўсди.

5. Ислоҳотларнинг биринчи босқичида вазирликлар сони 18 дан 13 гача, бўлимлар сони еса 52 дан 34 гача камайди. Ходимларнинг сони 35-50% га қисқарди. Улар мустақил идоралар ёнғин текшируви, йўл полицияси, санитария-эпидемиология станцияси сифатида мавжуд бўлишни тўхтатдилар.

6. Давлат аппаратига ишга қабул қилиш меритократия принципи асосида амалга оширилди.

7. Солиқ тизимидаги ислоҳотлар. 25 та солиқ тури ўрнига 6 тур қолди. 2008 йилда божхона тўловлари қисқартирилди ва деярли бекор қилинди. Ерни, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ерларини хусусийлаштиришга рухсат берувчи қонун қабул қилинди.

8. Таълим тизимидаги ислоҳотлар. Таълим вазирлиги барча талабнома берувчилар учун электрон маълумотлар базаларида аноним тарзда ягона имтиҳон ўтказади. Кейинчалик, тахминларга кўра, талабалар турли университетларга боришади.

9. Гуржистон га қарши кураш учун қаттиқ чоралар жорий этилди. Масалан, жиноий жазо нафақат коррупцион жиноят учун, балки пора талаб қилувчи ёки пора берадиган шахслар учун ҳамдир. Бундан ташқари, мансабдор шахс ўз мулкини қандай қилиб сотиб олганини тушунтириши керак бўлган айбдорлик презумпцияси бор эди.

10. Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида қонунчилик ҳам ислоҳ қилинди. Одатда, келишмовчилик, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш учун мос келмайдиган функцияларни амалга оширган Давлат стандарти иккига бўлинди: Стандартлаштириш, Метрология ва техник

тартибга солиш Миллий Агентлиги ва Қўшма миллий мувофиқлаштирувчи миллий маркази. Мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулот рўйхати бекор қилинди.

10. Коррупцияга қарши кураш стратегиясини амалга оширишга кенг кўламли жамоатчилик ахборотлари, телевидение орқали махсус видеолар қўшилиб, фуқароларга га қарши курашда иштирок этишга чақирилди. Таъкидлаш жоизки, кўплаб тартибга солиш органлари ва текширувлар мавжудлиги кўпгина функцияларни такрорлашга олиб келди ва баъзан расмийларнинг ўз ваколатларини билмасликларига олиб келди. Шу муносабат билан вазирликлар ва инспекциялар сонини бирлаштириш ёки тўлиқ йўқ қилиш йўли билан камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2004-2005 йилларда амалдаги мансабдор шахслар сонини оптималлаштириш натижасида давлат хизматчиларининг ойлик маошларини 15 баравар ошириш имконияти яратилди. Иш ҳақининг ўсиши давлат секторини янада рақобатбардош қилди ва бу унга малакали кадрларни жалб қилиш имконини берди. Таъкидлаш керакки, ислоҳотлар олдидан вазирликнинг маоши 63 долларни ташкил этган, штатнинг расмий вакили ойлиги эса 17 долларни ташкил этган, 2004 йилда эса минимал яшаш даражаси 44 долларни ташкил қилган. Шу нуқтаи назардан, давлат хизматчиларининг жами даромадларини ноқонуний манбалардан тўлдиришга ҳаракат қилишлари ажабланарли эмас.

Коррупцияга қарши курашда муҳим ўзгариш - ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар вазирлигининг тузилишидир. Гуржистонда ҳуқуқ-тартибот идоралари анъанавий равишда энг лашган давлат идораларидан бири саналади. Масалан, полиция бир томондан, коррупцион ҳукумат амалдорлари ва сиёсатчилари билан, иккинчи томондан, профессионал жиноятчилар гуруҳлари билан бирлашиб, баъзан полиция ҳаракатларини жиноятчилик маъмуриятларидан ажратиб олиш осон эмас эди.

Бундан ташқари, бундан олдин Ички ишлар вазирлигининг тизими одатдаги милиционер дан қочиб қутула олмаган, чунки йиғилган пораларни занжирнинг юқорига ва пастига ўтказиш керак эди. Шунинг учун Ички ишлар вазирлигининг таркибига ички назорат тизими киритилди - умумий инспекция, у порахўрликнинг ички текшируви билан шуғулланади.

Қайта қуриш жараёнида Гуржистон Ички ишлар вазирлиги 2004 йилда Давлат Хавфсизлик вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Нефт қувурларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва Чегара бўлинмасини бирлаштирди. Натижада, ходимларнинг умумий сони 75 дан 27 минггача камайди, ўртача ойлик иш ҳақи 2003 йилдаги 56 доллардан 2018 йилда 443 га кўтарилди.

Давлат хизматининг бюроси. GIZ кўмагида 2014 йил июль ойида 412-сонли ҳукуматнинг қарори билан тасдиқланган танловга янги танлов қоидаларини ишлаб чиқди. Улар ДХБнинг танлови давомида ДХБнинг ролини мустаҳкамлашни назарда тутади, бу ерда ДХБ танлов жараёнини кузатиб бориш вазифасини бажаради. Бундан ташқари, эълон қилинган вакансия учун иш талабларини текширади.

Давлат хизматини ислоҳ қилиш учун 2 та янги бўлим ва ДХБ раисининг ўринбосари билан янги ташкилий тузилма жорий этилди; Янги Давлат Хизмати Қонуни ДХБга тавсиялар беради. Бош вазир ДХБ раҳбарини 5 йиллик муддатга тайинлайди. Раҳбарнинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш учун шарт-шароитлар тўлиқ рўйхати Қонунда тақдим этилган.

Қозоғистон Республикасининг коррупцияга қарши сиёсатини амалга ошириш соҳасида жамоатчилик билан алоқаларни тартибга солиш мақсадида 2015 йил 18 ноябрда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қозоғистон Республикаси Қонуни қабул қилинган.

Қонуннинг 6-моддасида коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар тизими белгиланган, булар:

1) коррупцияга қарши курашиш;

2) коррупцион таваккалчиликларни таҳлил қилиш;

3) коррупцияга қарши кураш маданиятини шакллантириш;

4) Қозоғистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юридик экспертизани ишлаб чиқишда коррупция билан боғлиқ нормаларни аниқлаш;

5) коррупцияга қарши қонунчиликни шакллантириш ва унга риоя қилиш;

6) молиявий назорат;

7) коррупцияга қарши чекловлар;

8) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни ҳал қилиш;

9) тадбиркорлик соҳасида коррупцияга қарши чоралар кўриш;

10) коррупцион жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш, очиш ва тергов қилиш;

11) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни ўрганиш;

12) коррупцион жиноятларнинг оқибатларини бартараф этиш;

13) коррупцияга қарши миллий ҳисоботни тайёрлаш ва эълон қилиш.

Қонуннинг 16-моддасида тадбиркорлик соҳасидаги коррупцияга қарши кураш бўйича чоралар белгиланган:

“1. Корхона фаолиятининг амалга оширилишида коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан, коррупция билан боғлиқ жиноятларга олиб келадиган

сабаблар ва шароитларни минималлаштириш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар кўрилади:

1) қарорларни қабул қилиш тартиб-таомилларини таъминлаш, назорат қилиш ва ошкораликни таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

2) адолатли рақобат тамойилларига риоя қилиш;

3) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш;

4) бизнес этикаси стандартларини қабул қилиш ва уларга амал қилиш;

5) коррупцияга қарши кураш маданиятини шакллантириш бўйича чоралар кўриш;

6) давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан коррупциянинг олдини олиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш.

2. Хўжалик юритувчи субъектлар учун коррупциянинг олдини олиш учун стандартлар тадбиркорлик субъектлари бирлашмалари (ассоциациялари, уюшмалари) томонидан ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мумкин.

Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ коррупцияга қарши курашувчи субъектлар қуйидагилар:

1) коррупцияга қарши ваколатли орган;

2) бошқа субъектлар – давлат органлари, квазидавлат сектори субъектлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар.

Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ «1. Коррупцияга қарши хизмат кўрсатиш - коррупцияга қарши кураш бўйича органнинг оператив-қидирув бўлинмалари, коррупциянинг олдини олиш, аниқлаш, ва тергов қилишга қаратилган фаолиятни амалга оширади.

2. Коррупцияга қарши хизмат ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажариш вақтида “Қонунни назорат қилиш хизмати тўғрисида”ги Қонуни ва Қозоғистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Қонуннинг 20-моддасида коррупцияга қарши ваколатли органнинг ваколатлари белгиланади:

Коррупцияга қарши ваколатли орган қуйидаги функцияларни бажаради:

1) коррупцияга қарши кураш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тартибини такомиллаштириш;

2) ушбу Қонунда белгиланган тартибда давлат органлари, корхоналар ва квазисоҳа субъектлари фаолиятида коррупция жиноятларига йўл қўядиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш;

3) давлат органлари, давлат ташкилотлари ва квазидавлат субъектлари фаолиятида коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари ва шартларини минималлаштириш ва бартараф этиш бўйича Қозоғистон Ҳукуматига тавсиялар бериш;

4) Қозоғистон Республикаси Ҳукуматига Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан Қозоғистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий ҳисоботни тақдимэтиш учун йиллик тақдимнома киритиш;

5) коррупцион таваккалчиликларни ташқи таҳлили асосида тузилган давлат органлари, ташкилотлари ва квазисоҳа субъектлари томонидан коррупцион жиноятларга йўл қўйиладиган сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

6) жиноий ишлар бўйича мусодара қилинган ва коррупцион жиноятларда мусодара қилинган ва жиноятлардан олинган даромадларни сотишни мониторинг қилиш, қоида тариқасида уни давлатга ўтказиш ҳақидаги маълумотни эълон қилиш;

7) коррупцияга қарши кураш бўйича ижобий тажрибани ўрганиш ва тарқатиш;

8) коррупцияга қарши кураш маданиятини шакллантириш соҳасида таълим дастурларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

9) коррупцияга қарши курашиш ва тарбиялаш, ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш, коррупцияга қарши кураш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган давлат ижтимоий тартибини жорий этиш бўйича таълим дастурларини амалга оширишда коррупцияга қарши кураш субъектларига ёрдам кўрсатиш ва методик ёрдам кўрсатиш;

10) бошқа давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар билан коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли орган фаолиятининг асосий йўналишларида ўзаро ҳамкорлик қилиш;

11) коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро шартнома лойиҳаларини тайёрлашда, хорижий давлатларнинг тегишли органлари билан коррупцияга қарши курашиш бўйича масалалар, халқаро ташкилотлар фаолиятида уларнинг ваколатлари доирасида иштирок этиш;

12) Қозоғистон Республикаси қонунларида, шунингдек Қозоғистон Республикаси Президентининг актларида назарда тутилган бошқа вазифалар.

Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ: «1. Коррупцион жиноятлар натижасида содир этилган операциялар ва шартномалар ваколатли давлат органлари, манфаатдор шахслар ёки прокурорнинг даъволари бўйича Қозоғистон Республикаси қонунида белгиланган тартибда суд томонидан бекор қилинади.

2. Коррупция жинояти оқибатида содир этилган хатти-ҳаракатлар ва ҳаракатларни қабул қилиш тегишли актларни (манфаатдор шахслар) ёки прокурорнинг шикоятлари юзасидан судда ёхуд судда бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан бекор қилинганлиги (ҳақиқий эмаслиги) учун асосдир.

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 сентябрдаги 328-сонли фармонига биноан Қозоғистон Республикаси давлат хизмати ишлари вазирлиги Қозоғистон Республикаси давлат хизмати ва Коррупцияга қарши кураш агентлиги таркибига Қозоғистон Республикаси Президентига бевосита бўйсунадиган ва ҳисобдор давлат органи сифатида тузилган эди.

Агентлик давлат хизматлари соҳасидаги ваколатли давлат органи, коррупциянинг олдини олиш ва давлат хизматларининг сифатига риоя этилишини назорат қилади.

Агентлик таркибига - Коррупцияга қарши кураш бўйича миллий бюроси, шунингдек вилоятлар, республика аҳамиятга эга бўлган шаҳар ва пойтахт ҳудудий органлари киради.

Агентлик 2 та ташкилотни бошқарарди:

1. “Давлат хизмат кўрсатиш ходимларини бошқариш миллий маркази” акциядорлик компанияси;

2. “Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси” Республика давлат корхонаси.

Агентлик қуйидагиларни бажararди:

1. Қозоғистон Республикаси Президентига бевосита бўйсунадиган ва масъул бўлган давлат хизмати, давлат хизмати соҳасида раҳбарликни таъминловчи, давлат хизматлари сифатини баҳолаш ва давлат назоратини амалга оширадиган, шунингдек, Қозоғистон Республикаси қонунчилиги, раҳбарлик ва тармоқлараро мувофиқлашуви, профилактика, аниқлаш, олдини олиш масалалари бўйича коррупцияга қарши жиноятларни очиш ва текшириш.

2. Агентликда – Коррупцияга қарши кураш бўйича миллий корпорация, шунингдек вилоятлар, республика аҳамиятига эга бўлган шаҳар ва пойтахт ҳудудий органлари мавжуд.

3. Агентлик ўз фаолиятини Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Президент ва Ҳукумат қарорларига, Қозоғистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

4. Агентлик давлат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлган юридик шахс бўлиб, унинг номи давлат тилида муҳр ва штамплари,

шунингдек, Қозоғистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ хазина идораларида ҳисоб рақамлари мавжуд.

5. Агентлик ўз номидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киради.

6. Агентлик давлат номидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг бир қисми сифатида Қозоғистон Республикаси қонунчилигига биноан буни амалга ошириш ваколатига эга бўлса, уни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

7. Агентлик ўз ваколатига оид масалалар бўйича Қозоғистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда Агентлик Раиси ва Қозоғистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар билан қарор қабул қилади.

12. Агентлик фаолиятини молиялаштириш республика бюджетидан амалга оширилади.

13. Агентлик ва Агентликнинг вазифалари ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектлар билан хўжалик субъектлари ўртасида шартнома муносабатлари тузишга йўл қўйилмайди.

Агентликнинг вазифаси: давлат хизматлари, коррупцияга қарши кураш, баҳолаш ва давлат хизматлари сифатини давлат томонидан назорат қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш.

15. Агентликнинг вазифалари:

1) давлат хизматлари соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупцияга қарши кураш, давлат хизматлари сифатини давлат томонидан назорат қилиш;

2) давлат органлари ва ташкилотларининг давлат хизмати тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш, коррупцияни олдини олиш, коррупцион жиноятларга олиб келадиган сабаблар ва шароитларни, шунингдек, давлат хизматлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бажариш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

3) коррупцияга қарши кураш маданиятини ва коррупцияни олдини олиш тизимини шакллантириш.

Агентликнинг функциялари:

1) коррупцион жиноятчиликни аниқлаш, олдини олиш, ошкор қилиш ва тергов қилиш;

2) коррупцион жиноятларда мусодара қилинган ва жиноятлардан олинган даромадлар билан қўлга киритилган мол-мулкни сотишни мониторинг қилиш, қоида тариқасида уни давлатга ўтказиш ҳақидаги маълумотни эълон қилиш;

3) Қозоғистон Республикасида Коррупцияга қарши йиллик ҳисоботни тайёрлашда иштирок этиш;

4) Коррупцияга қарши кураш стратегиясини амалга ошириш учун режалаштирилган чора-тадбирларнинг бажарилишини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг хулосасини шакллантиришда иштирок этиш;

5) тезкор тергов ва тергов ҳаракатлари амалиётини таҳлил қилиш, коррупцион жиноятлар бўйича дастлабки терговни ўтказиш;

6) Қозоғистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда давлат органларига, ташкилотларга ёки уларга раҳбарлик қиладиган шахсларга қонунни бузиш ёки бошқа қонунбузарликларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

7) маҳбуслар ва ушлаб турилганларнинг конвой ёрдамида етказиш;

8) архив ҳужжатларини тўплаш (сотиб олиш), доимий сақлаб қолиш ва улардан махсус давлат архивида фойдаланиш;

9) Қозоғистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Агентликнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

1) давлат хизматини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш, шунингдек давлат хизматлари сифатини баҳолаш ва мониторинг қилиш бўйича Қозоғистон Республикаси Президентига таклифлар киритади;

2) давлат органларидан, ташкилотлардан, мансабдор шахслардан Қозоғистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур ахборот ва материалларни сўраш ва олиш;

